

**Ҳамкорликнинг
биринчи ва энг
муҳим шарты —
бу ўзаро
ишончдир.**

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 8-sentabr, shanba № 72 (8513)

МАНФААТЛАР ВА ТАҚДИРЛАР МУШТАРАКЛИГИ – ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР АСОСИ БЎЛГАН ҚАДРИЯТЛАРДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Қозоғистон Президентининг "Оқўрда" саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат раҳбарлари шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янграйди. Президентлар фахрий қоровул сафи олди-дан ўтадилар.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, Марказий Осиё ва унинг ат-

рофидаги вазият, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин экани таъкидланди.

Бугун самарали ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асос яратилган — бу қатъий сиёсий ирода, чуқур ҳамжихатлик, мустақкам шартномавий-ҳуқуқий база ва конструктив ҳамкорлик борасида тўпланган катта тажрибадир.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган ишончли кўшнисидир. Ўзбек ва қозоқ халқларини қадимий қардошлиқ ришталари, муштарак тарих, тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари таъкидлаганидек, халқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугуни ва келажagini ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганмиз ва ҳамisha бир-биримизга суюнаимиз.

Остонадаги олий даражадаги урарашув бугунги тез ўзгарувчан ва мураккаб шароитда нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг узоқ муддатли истиқболлари, балки бутун минтақамиз барқарорлиги ва унинг изчил ривожланиши кўп жиҳатдан мазкур саммит натижаларига боғлиқ эканлигини яна бир бор намоён этди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар мамлакатларимизнинг узоқ муддатли стратегик манфаатлари ҳамда миллий устуворликлари умумийлиги ва муш-

тараклигига, шунингдек, давлатларимиз олдида турган кенг миқёсдаги мақсад ва вазифаларни ҳамкорликда ҳал қилишга интилиш асосига қурилгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

Марказий Осиё минтақаси ва унинг ташқарисида тез суръат билан ўзгараётган вазиятни инобатга олган ҳолда Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг минтақамизда барқарорликни сақлаш ва мустақкамлаш, одамларнинг фаровонлиги ва тинчлигини таъминлашга қаратилган ягона ёндашувини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Марказий Осиё ва унга туташ айрим минтақаларда юзага келаётган мураккаб вазият янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасида амалий чора-тадбирларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказидаги Ибн Сино ҳайкали пойида «Талабалikka бағишлов» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда.)



ЎҚУВ РЕЖА ВА ДАСТУРЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ



Касб-хунар ўргатишга бу каби янгича ёндашувлар қизларимизни буюрилгани бажародинан илҳи қилиб эмас, балки ижодий фикрлайдиган, ўз устида ишлайдиган, янгилик яратишга қодир мутахассис сифатида шакллантиради.

3-бет >

ТАРБИЯ – ҲАР КУНЛИК ИШ

(Оталар билан педагогик суҳбат)

Педагогик лоқайдлик ҳам бўладими? Ҳа, бўлади. Кўчадан кириб келиб, боламизни кўрсак, қучоқлаб, ўпамиз, қувонамиз. Кейин кийимларимизни алмаштириб, ювиниб, телевизор кўра бошлаймиз. Боламиз интиқ бўлиб бизга қараб туради. Яқин келади, биз буни сўзмаймиз.

8-9-бетлар >

БИЛИМНИНГ ЎН АФЗАЛЛИГИ



«Ma'rifat»
Mahorai
Maktabi

● Билим изласанг ортиб боради, сарфласанг ҳам камайиб қолмайди.
● Билимнинг мўл бўлса, сени ҳурмат қилувчилар кўпаяди...

11-бет >

МАНФААТЛАР ВА ТАҚДИРЛАР МУШТАРАКЛИГИ – ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР АСОСИ БЎЛГАН ҚАДРИЯТЛАРДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон Афғонистондаги вазият тезроқ изга тушишдан манфаатдор эканини таъкидладилар ҳамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга қўшаётган ҳиссасини ижобий баҳоладилар. Томонларнинг Афғонистон муаммосини бартараф этиш ва мазкур мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Мамлакатларимиз халқро ва минтақавий таркилотлар доирасида алоқаларни фаоллаштириш ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш тарафдоридир. Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш минтақавий ва халқро даражада барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Томонлар БМТ ва бошқа халқро ташкилотлар доирасида бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш, ШХТнинг янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши самарали курашиш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келиши билинди.

Икки давлат раҳбарлари Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича ҳамкорликдаги ва принципиал позицияга алоҳида эътибор қаратдилар, ушбу соҳадаги барча масалаларни, шу жумладан трансчегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қуриш маса-

ласини халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон раҳбари савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокамаси чоғида Қозоғистон ушбу соҳада мамлакатимизнинг муҳим шерикларидан бири эканини, давлатларимиз ўртасида ўзаро савдо изчил ва барқарор ўсиб бораётганини таъкидлади. 2011 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 47 фоиз ўсди ва 2,7 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2012 йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 18 фоиз ўсиб, 1,4 миллиард долларни ташкил қилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон улкан имконият ва захираларга эга экани, улар ҳисобидан товарлар турларини кўпайтириш ҳамда икки давлат ўртасида товар айирбошлаш кўламини кенгайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Икки мамлакатнинг транспорт коммуникациялари аниқ келишилган тартибда ишлайдиган ва экспорт-импорт операциялари ҳамда товарлар транзитини амалга ошириш учун барча қулай шарт-шароитлар яратадиган бири-бирига боғлиқ тизимга айланиши зарурлиги қайд этилди. Бу борада юлларни, жумладан, Темир йўл транспорти орқали транзит қилиш ва етказиб беришни ташкил этишда тариф ва нотариф преференциялар бериш ҳамкорлигининг асосий жиҳатлари ҳисобланади.

Президентлар маънавий яқинлик ва кўп асрлик аънавий муносабатларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкор-

ликни ҳам кенгайтириш масалаларини муҳокама этдилар.

Қозоғистонда машҳур ўзбек rassomларининг кўргазмалари ташкил этилмоқда, халқ усталари хунармандлар ярмаркаларида қатнашмоқда, мусиқа ҳамда театр жамоаларининг гастроллари ўтказилмоқда. Ўзбекистон кинематографчилари ўз фильмлари билан кўшни давлатда ўтказилаётган кинофестивалларда иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда қозоқ театрлари ва миллий-фольклор ансамбллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси ҳузурида Қозоқ адабиёти кенгаши фаолият кўрсатмоқда. «Нурлы жол» газетаси чоп этилмоқда, телерадиоканаллар орқали махсус кўрсатув ва эшиттиришлар берилмоқда. Республика қозоқ маданияти маркази кўмағида қозоқ оқинлари, ёзувчилари ва журналистларининг ўнлаб китоблари нашр этилди. Қорақалпоқ давлат университети ва Тошкент давлат педагогика университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган, қатор педагогика институтларида бир неча фанларни қозоқ тилида ўқитиш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, Қозоғистоннинг Остона, Олмаота шаҳарлари ва бошқа тўққизта ҳудудида ўзбек маданияти марказлари очилган. Улар томонидан ҳар йили «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва маросимлари кўни» ўтказилмоқда. Ўзбек тилидаги даврий нашрлар ва махсус телекўрсатувлар ҳамда радио-эшиттиришлар Қозоғистондаги ўзбекларнинг миллий аънава ва урф-одатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Президентлар ушбу ташриф ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимиз манфаатларининг муштараклиги ҳамда тақдирининг узвий

боғлиқлигини яна бир қарра тасдиқлаганини, ушбу қадриятлар бундан буён ҳам икки давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ҳамкорлигининг асосини ташкил қилишни таъкидладилар.

Музокаралар якуни бўйича Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнот имзолادилар.

Шунингдек, шахсларни реадмиссия қилиш тўғрисида ҳукуматларо битим ва бошқа қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ва имзоланган муҳим ҳужжатлар икки томонлама муносабатларда кенг имкониятлар очишини, ҳамкорлиқнинг ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятини амалга оширишга кўмаклашишини, икки қардош халқнинг туб манфаатларига мос келишини таъкидладилар.

Президент Ислон Каримов Президент Нурсултон Назарбоевга самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Қозоғистон раҳбарини ўзи учун қулай вақтда Ўзбекистонга ташриф буюришга таклиф қилди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Остона шаҳридаги Ватан ҳимоячилари монументи пойига гулчамбар қўйди, Ватан мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ушбу ташриф, унинг давомида бўлиб ўтган амалий фикр алмашиш ва самарали музокаралар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз, халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

ЎЗА

ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Унда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессори, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳ.Комилов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидлади.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топши-

рилган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Бу борадаги ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда пухта билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги тиббий таълим муассасаларида машғулотлар ўқитишнинг энг замонавий услублари, илгор педагогик технологияларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ҳам талабалар билим ва кўникмаларини оши-

риши, жаҳон тиббиётининг илгор технологияларидан фойдаланиш, замонавий даволаш усулларини эгаллаш учун барча шароит яратилган. Институт кафедралари ихтисослаштирилган тиббий-илмий марказлар ва етакчи клиникалар базасида жойлашгани дарсларни амалиёт билан

Ta'lim

боғлиқ ҳолда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Тадбирда тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига қабул қилинган талабалар улуг аждодларимиз асос солган илмий мактабни янада ривожлантиришга, келажакда халқимиз саломатлиги



йўлида фидокорона меҳнат қилишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

— Тиб илмининг султони, бобокалонимиз Ибн Сино ҳайкали пойида қасамёд қабул қилганимиз катта рамзий маънога эга, — дейди биринчи курс талабаси Илём Бобомуродов. — Бу бизни буюк аждодимизга муносиб бўлишга, чуқур билим олиб, етук мутахассис бўлиб етишишга ундайди.

Талабалар академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуаси фаолияти билан танишдилар. Бу ерда яратилган шароитлар шифокор бўлишни мақсад қилган интилувчан ёшларда катта таассурот қолдирди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар

Янги ўқув йили ҳам бошланди. Бу йил ҳам аввалгисидан фарқли ўларок, таълим жараёнини ҳар жиҳатдан янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган янгиликлар бўлиши табиий, албатта. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида амалга оширилган ишлар қулами жуда кенг. Негаки, меҳнат бозорини кичик кадрлар билан таъминлайдиган ушбу таълим тизими бугунги кун талабларига жавоб бериши, соҳалар ривожини билан қадам-бақаддам одимлаши зарур. Ундан ташқари, Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бешинчи бандида ҳам бу каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилганди. Чунинчи, қарорда чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, уларда аънавий мактаб таълими услубларидан воз кечиш, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар кўпайтирилиши айтиб ўтилганди. Шундай экан, тизимда таълим сифатини оширишга ҳисса қўшадиган қандай ўзгаришлар амалиётга жорий этилди?

— 2012-2013 ўқув йилига тайёргарлик, шунингдек, қарорда белгиланган вази-фаларни бажариш борасида Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказида қатор ишлар амалга оширилди, — дейди марказнинг Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим йўналишларини бирхиллаштириш бошқармаси бош мутахассиси Нурмурод Чиникулов. — Бошқармамиз томонидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқув режалари ва дастурларига ўзгартиришлар киритилди. Иш, аввало, йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларининг юздан ортқ салоҳиятли профессор-ўқитувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг етти юзга яқин педагог ва муҳандис-педагоглари ҳамда иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг амалиётчи-мутахассисларидан иборат ббта эксперт гуруҳи ташкил этишдан бошланди. Ушбу гуруҳ ёрдамида икки юздан ортқ йўналишнинг ўқув режалари ҳамда 1700та умум-касбий ва мутахассислик фаиларининг ўқув дастурлари танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди. Натижада аудитория соатлари 5 фоизга қисқартирилди, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари учун ажратилган соатлар эса тегишли миқдорда оширилди.

Шунингдек, 1715та мутахассислик фаилари сони оптималлаштириш натижа-сида 1614тагага камайтирилди. Ишлаб чиқариш соҳаларига жорий этилаётган замонавий техника ва технологияларни инобатга олган ҳолда ҳамда таълим муассасалари ўқув устахоналари ва ўқув-лаборатория жиҳозларининг модернизация қилиниши муносабати билан 6613та янги мавзулар киритилди. Ҳозирги кунда таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 219та йўналишлари бўйича янги тахрирддаги намунавий ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Масалани чуқурроқ ўрганиш ҳамда амалга оширилган ишлар билан аяқдан танишиш мақсадида «Енгил санаот маҳсулотлари технологияси» йўналишидаги касбларнинг ўқув режаси ва дастурларини кўздан кечирдик. Айтиш мумкинки, юртимизда тўқимачилик ва енгил санаот жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан. Та-

ЎҚУВ РЕЖА ВА ДАСТУРЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ



Касб-хунар ўргатишга бу каби янгича ёндашувлар қизларимизни буюрилгани бажарадиган ишчи қилиб эмас, балки ижодий фикрлайдиган, ўз устида ишлайдиган, янгилик яратишга қодир, келгусида мустақкам bilim, малака ва кўникмага эга замонавий мутахассис сифатида шакллантиради.

бийки, ушбу соҳада кичик кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Мазкур йўналишнинг ўқув режа ва дастурлари қанчалик такомиллаштирилса, яъни сифат ва самардорлиги оширилса, тайёрланаётган кадрларнинг билим, малака ва кўникмаси аниқроғи, салоҳияти ҳам юқсалиши, шубҳасиз.

Яккасарой енгил санаот касб-хунар коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Сайёра Нишоновна янги ўқув режа ва дастури бўйича иш олиб борган эксперт гуруҳи аъзоси. У эски ва янги хужжатларни таққослаб, ўзгаришларни куйидаги изохлади.

— Тихувчилик ўзига хос машаққатли касблардан, — дейди С.Нишоновна. — Шунинг учун бу соҳада кичик мутахассисларни ҳар жиҳатдан салоҳиятли қилиб тайёрлаш анчайин мураккаб жараён. Масалан, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори мутахассиси болалар, аёллар ва эркакларнинг енгил кийими билан бирга қишки қалин кийимларни ҳам амалда бичиб тика олиш малакасига эга бўлиши нафақат ўқув дастуридан кўзланган мақсад, балки бугунги кун талаби ҳамдир. Бу касбдан талаби кўпроқ амалиёт билан боғлиқ

бўлгани учун ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги барча йўналишларнинг ўқув амалиёти 600 соатни ташкил этса, мазкур касбга эса 660 соат ажратилганди. Президентимиз қарорига мувофиқ ўқув режа ва дастурларининг қайтадан ишлаб чиқилиши, аънавий таълим услубларидан воз кечилиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти соатлари кўпайтирилиши эса фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқади.

Таҳлил натижасида келинган хулоса асосида айнан «Енгил санаот маҳсулотлари технологияси» йўналишида ўқув амалиёти 720 соатга етказилди. Аввал назарий ва амалий дарслар тенгмиқдорда белгиланган бўлса, янги ўқув режасида айрим фаилар бўйича назарий дарсларга 20 фоиз, амалий машғулотларга 80 фоиз соатлар ажратилди. Чунки, «Расм», «Технологик жиҳозлаш», «Кийимларни лойиҳалаш», «Буюм дизайни» каби фаиларда ўқувчилар вазибаларни кўпроқ амалий бажаргандагина фанини кутилганидек ўзлаштиради.

С.Нишоновна таъкидлаганидек, фаилардаги мавзулар оптималлаштирилди. Масалан, «Кенг ассортиментдаги кийимлар моделиер-конструктори» касби-

Қарор ва ижро



нинг аввалги ўқув режасида «Тихув буюмларини лойиҳалаш» ва «Тихув буюмларини моделлаштириш» фаилари бўлиб, аслида бу фаилар мазмунан бир-бирини такрорларди. Шунинг учун янги ўқув режада иккаласи бирлаштирилиб, «Тихув буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш» фанига айлантирилди. Худди шунингдек, 40 соатлик «Антропология» фани ҳам 20 соатга қисқартирилди. Чунки, бу фандаги одамнинг гавда тузилиши ва ўлчамларига доир мавзулар «Кийимларни лойиҳалаш» фанида ҳам ўқитиларди. Ортиб қолган 20 соат ҳисобидан «Кийимларни лойиҳалаш» фанининг ўқув амалиёти соати кўпайтирилди.

Шунингдек, мутахассислар янги ўқув режа ва дастурида фаилар ва мавзулар ўтилиши ҳамда ўқув амалиётининг узвийлиги, кетма-кетлигига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Масалан, ўқувчи дастлаб аёллар юбкасини лойиҳалашни, андоза олишни ўрганса, кейин уни тикиш технологиясини ўзлаштиради. Касб-хунар коллежи устахонасига борганда тушунча ва билимларини амалий жиҳатдан мустақкамлайди.

— Янги хужжатларнинг аҳамиятли томони шундаки, энди ўқув амалиётда, агар мавзу аёллар кўйлагини тикиш бўладиган бўлса, аввалгидек ҳамма бир хил эмас, ҳар бир ўқувчи мавзуга ижодий ёндашиб, ўз дизайни бўйича кийим яратиш талаби қўйилмоқда. Касб-хунар ўргатишга бу каби янгича ёндашувлар қизларимизни буюрилгани бажарадиган ишчи қилиб эмас, балки ижодий фикрлайдиган, ўз устида ишлайдиган, янгилик яратишга қодир, келгусида мустақкам bilim, малака ва кўникмага эга замонавий мутахассис сифатида шакллантиради, — дейди Сайёра Нишоновна.

Қарорда ўзини оқламаётган аънавий таълим услубларидан воз кечиш зарурлиги ҳам айтиб ўтилган.

Ушбу вазибани таъминлаш бўйича ҳам Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан талай ишлар амалга оширилди.

— Бу борада бошқармамиз томонидан Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда иш олиб борилди, — дейди марказнинг Ўқув жараёнини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муродхон Шораҳимов. — Натижада ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун 23та умумтаълим фаиларини билим соҳалари бўйича касбий йўналтириб ўқитиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Илғор педагогик ва ахборот технологиялари қўллаб дарс ўтиш бўйича ўқув-услубий мажмуалар яратилиб, жойларга етказилди. Шунингдек, таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида каскад усулидаги тўрт босқичли семинар-тренинглар ташкил этилиб, тизимдаги барча педагоглар ўқитилди. Унда ўқитувчилар илғор педагогик технологиялар бўйича ўз билими ва кўникмаларини боийтдилар. Бу борадаги ишлар давом эттирилиб, ўқув йили давомида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича етарли малакага эга бўлмаган ўқитувчилар учун қўшимча ўқув курслари фаолиятини давом эттиради.

Қисқаси, 2012-2013 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига киритилган ўзгариш янгиликлар ўқувчиларимизнинг ҳар жиҳатдан салоҳиятли авлод, малакали кичик мутахассис бўлиб етишишга хизмат қилиши шубҳасиз. Галдаги вазиба эса ўқитувчи ва касбий таълим усталари зиммасида қолди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



❖ Чуст туманининг Олмос қишлоғида болалар янги ўқув йилини барча шарт-шароитга эга янги мактабда бошлади.

Олмос қишлоғидаги 20-умумтаълим мактабида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мактабнинг 540 ўқувчига мўлжалланган икки қаватли биноси тубдан реконструкция қилиниб, яна қўшимча ўқув биноси барпо этилди.

Янги ўқув йилини замонавий, барча шарт-шароитга эга мактабда бошлаган қишлоқ ёшларининг қувончи чексиз.

❖ Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузурдаги Сейсмология ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги марказида Сейсмология станцияси очилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, олимлар, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари иштирок этди.

Сейсмология ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги марказида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу станция сейсмик фаоллиқни мониторинг қилиш радиуси кенглиги бўйича Марказий Осиёда энг ноёб ҳисобланади. Станция Евроосиё қитъаси катта қисмининг сейсмик фаоллигини кузатиш имконини беради.

❖ Жиззахда «Келажак овози — 2012» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Жорий йил «Келажак овози» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичида архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, аъёнанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика номинациялари бўйича 810 нафар ёш иштирок этиб, уларнинг 45 нафари ғолиб бўлди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, галдагисига йўлланма олган ёш истеъдод соҳибларини тақдирлаш маросими ёшлар байрамига айланиб кетди. Тадбир доирасида ёшлар лойиҳалари, рационализаторлик таклифлари ҳамда ижодий ишлари кўргазмаси ташкил қилинди.

❖ Пойтахтимизда «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги «Chevrolet Cobalt» автомобилнинг тақдироти бўлиб ўтди.

«Chevrolet Cobalt» — «General Motors» томонидан тобора тараққий этиб бораётган бозорлар учун махсус ишлаб чиқилган мутлақо янги русумдаги автомобилдир. Ушбу автомобиль тўрт турда ишлаб чиқарилади.

«Cobalt» 1,5 литр ҳажмдаги тўрт цилиндрли, бензин билан ишлайдиган 106 от кучи қувватига эга ва 5 босқичли механик узатмали двигател билан жиҳозланган. 100 километрга тахминан 6,2 литр ёқилги сарфлайди. Ривожланиб бораётган бозорларда бу автомобиль В туркумига кирувчи ягона модель бўлади. Бундан ташқари, унинг 6 босқичли автомат трансмиссия ўрнатилган русумига ҳам буюртма бериш мумкин.

Беш киши учун мўлжалланган ушбу кенг салонли автомобиль йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ён тонналари баланд анатомик ўриндиқлар билан жиҳозланган. Автомобиль кондиционер, қўйма дисклар, аудиотизим, хавфсизлик ёстиқчалари, электр қўзғулар ва автоматик трансмиссия билан жиҳозланган.



ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

“Энг намунали кундузги оромгоҳ” аниқланди

Кўрик-танлов

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида илк мартаба пойтахтдаги мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳлар ўртасида “Энг намунали кундузги оромгоҳ” кўрик-танлови ўтказилди.

Ёз мавсумида Тошкент шаҳридаги 36та мактаб қошида 4 навбатда кундузги оромгоҳ ташкил қилиниб, жами 16 мингдан зиёд нафар боланинг

мароқли дам олиши таъминланди. Ушбу оромгоҳларда хордиқ чиқариш ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилди, озик-овқат,



дори-дармон, тиббиёт воситалари таъминотиغا алоҳида эътибор қаратилди. Оромгоҳ кутубхонаси ва расм чиқиш, ашула, шахмат-шашка, рақс ва бисер тўқиш каби тўғрақлар доимо болажонлар билан гавжум бўлди. Ўтказилган турли хил маданий-маърифий тадбирлар эса ўғил-қизларга бир олам завқ ба-

ғишлади.

Ўзбек Миллий академик драма театрида “Энг намунали кундузги оромгоҳ” кўрик-танловининг ғолиб ва иштирокчиларини тақдирлаш маросими ўтказилди. 1-ўринга Учтепа туманидаги 116-мактабнинг “Бўстон”, иккинчи ўринга Ҳамза туманидаги 307-мактабнинг “Куёшча”, учинчи ўринга 159-мактаб қошидаги “Куёшча” оромгоҳи лойиқ, деб топилди. Ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди. Шунингдек, бир қанча номинациялар бўйича аниқланган ғолибларга “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати касба уюшмаси кенгашининг совғалари ва махсус дипломлар тақдим этилди.

Тадбир сўнгига “Сизсиз ўтмас кунларим” номли спектакль намойиш этилди.

Назозат ХОЛМЕТОВА,
“Ma‘rifat” мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Матбуот шохобчалари замонавийлашмоқда

Миллий матбуот марказида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси томонидан босма оммавий ахборот воситаларини тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш, обуна нархларини меъёрлаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчиларга тез ва сифатли etkazиб бериш, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатишни намунали йўлга қўйиш хусусида сўз юритилди.

Тизимни ривожлантириш мақсадида «2011—2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматлар-

нинг янги турларини жорий этиш дастури» доирасида тизимдаги матбуот дўконларидан 404 таси жорий ва 106таси капитал таъмирланди. Шунингдек, марказий қўчалар ва аҳоли гавжум жойларда қулай, матбуот нашрлари савдоси билан шуғулланувчи замонавий типдаги шохобчалар ташкил этилди. Ана шундай шохобчалардан яна 39таси жорий йил якунига қадар Тошкент вилоятидаги туманлар марказларига ўрнатилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, махсус каталог чоп этилиб, унга 500 дан ортиқ босма матбуот нашрларининг тарғиботиغا оид маълумотлар жойлаштирилди. Анжуман иштирокчилари мутахассислардан навзую юзасидан тўлиқ маълумот олдилар.

Ибодатхон НИЁЗОВА

Янги таълим масканлари

Ҳонқа туманидаги таълим муассасалари ўқитувчи ўқувчилари ўқув йилини кўтаринки кайфиятда бошладилар. “Қирқ ён” қишлоғида 300 нафардан зиёд ўқувчи ўрнига эга янги мактаб қурилди.

Янги зиё маскани замонавий компьютер ускуналари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Шунингдек, тумандаги мактабга таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, машғулот хоналари

дидактик материаллар билан бойитилди. Жумладан, 4-мактабга таълим муассасаси сифатли таъмирдан чиқарилди. 5-, 11-мактабга таълим муассасалари эса имконияти чекланган болаларга таълим-тарбия бериш мақсадида

Xabar

махсус МТМга айлантирилди. Муассаса жиҳозлар, турли ўйинчоқлар, рангли дидактик деталлар билан таъминланди. Ушбу муассасада 150 нафар бола саломатлигини тиклаб, сифатли таълим-тарбия олиш имконига эга бўлди.

Замира РАҲИМОВА,
Ҳонқа тумани ХТМФМТ ва
ТЭ бўлими мудир

Қишга озик-овқат захираси билан

Фарғона вилояти таълим муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари авжида. Муассасаларда қурилиш-таъмирлаш ишларини ниҳоясига etkazиш, иситиш тизимларини мукаммал таъмирдан чиқариш, томларни бутлаш, синган ойналарни алмаштириш, қўмир, ўтин ва озик-овқат захираларини жамғаришга эътибор қаратилмоқда.

Биринчи экиндан бўйшаган экин майдонларининг 178,95 гектари таълим муассасаларига ажратилган эди. Тошлоқ туманидаги «Навбахор Саховат» фермер ҳўжалигига қарашли майдонда Марғилондаги 22-махсус мактаб-интернат жамоаси дехқончилик қилаётди.

— Бир ёқадан беш чққариб, беш гектар ерга ишлов бердик, яхши ният билан оқ жўхори уруғини қададик, — дейди муассаса директори Назирахон Расулова. — Кеч кузда етиштирилган ҳосилни йиғиб олиб, тушадиган даромадни муассасамиз ўқувчилари etkazишга сарфлаймиз.

Педагоглар Арабмозор қишлоғида яшовчи Саломат Раҳимовга тегишли 0,12 сотих ерда сабзи, Одинахон Йўлдошевага қарашли 0,8 сотих томорқада турп, шолғом, лавлаги ҳамда ловия етиштирмоқда. Бу ишда ўқитувчи-тарбиячилардан М.Усмонова, М.Исоқова, А.Ўқтамов, С.Бурҳонов, А.Зокиров, Б.Сирожиддинов бошқаларга қараганда фаол.

— Қишга озик-овқат захираси бўлиши керак, — дейди мактаб ўқитувчиси Маҳфузахон Усмонова. — Мактабимиз ҳудудидаги бўш майдондан ҳам унумли фойдаланяпмиз. Эрта баҳор қарам, помидор, қалампир, булғор қалампир, бақлажон ва турли кўкатлар эккан эдик. Помидордан 100 литр консерва тайёрланди. Дас-

турхонимизда ҳамisha ошқўк мавжуд. Бу излаган имкон топади, деган фикрнинг амалий ифодаси эмасми?

Б.ШОКИРОВ,
“Ma‘rifat” мухбири

Taraddud

ДАСТУРЛАШТИРИЛГАН ДАРС

Tajriba

Жондор тумани Ҳазорман қишлоғидаги 11-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Ҳакимжон Рустамов яратган дастурлаштирилган дарс модели ҳамкасбларнинг эътирофига сазовор бўлди. Кўрмаганлар бунга ишонишмади, кўрганлар ҳайратланишди. Ҳакимжон Рустамов гоёсини амалга ошириш учун 20 йил тинимсиз меҳнат қилди, қанча тунларни бедор ўтказди.

1991 йил 1 сентябрь – мустақиллигимизнинг илк ўқув йили, биринчи иш кунини қахрамонимиз ҳаяжон билан эслайди. Уша кун отаси, математика ўқитувчиси Шариф Рустамов энди иш бошлаётган ўғлига янги компьютер совға қилганди:

— Фан сирлари, илгор педагогик методикалар билан бирга замонавий технологияларни ҳам пухта ўргансангинга етук муваффақият бўла оласан. Файрат қил, ўзинг ҳам ўрган, шогирдларингга ҳам ўргат!

Ҳакимжон отасининг ўғилларига амал қилиб кам бўлмади. Шогирдлари туман, вилоят ва республика фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этди. Биргина 1998-1999 ўқув йили олимпиаданинг вилоят босқичида информатика фанидан голиб чиққан 4 нафар ўқувчининг барчаси унинг шогирдлари эди. Билимлар беллашувининг республика босқичида иштирок этган Сухроб Қосимов 100 баллик кўрсаткични кўлга киритиб, ҳозирда Вестминстер университетининг қошидаги академик лицейда таълим олмақда.

Элёр Муродов эса информатика фани бўйича республикада ўтган жаҳон олимпиадасининг саралаш

босқичида 1-ўринни эгаллаб, Халқаро Вестминстер университети талабаси бўлди. Бу муваффақиятдан устозинг кўзларида севинч ёшларини қалқиди.

Кучли билим бериш учун кучли билимга эга бўлиш керак

Ҳакимжон Рустамов фаолияти давомида ушбу ақидага таянди. Ҳамиша ўқиб-изланди.

1993 йили республикада илк бор ўтказилган "Методик адабиётлар ва педагогик дастурлар" танловида у яратган қўлланма голиб деб топилди. 1998 йили эса "Компьютер саводхонлиги бўйича ўқув-методик адабиётлар ва педагогик дастур воситалари" кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, 3-ўринни кўлга киритди. Ҳакимжон Рустамовнинг "IBM компютери имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун қўлланма", "Информатика фанидан масалалар тўплами" каби бир қатор китоблари ҳамкасблари фаолиятида жуда асқотмоқда.

2000 йили Жанубий Кореяда, 2007 йили "Истеъдод" жамғармаси орқали Хитойнинг Шанхай университетиде малака ошириб қайтди.

Ғайриоддий машғулот афзалликлари

Компьютерда авtomatik тарзда кириш кўнғироғи чалинди. 8-синфда информатика фанидан навбатдаги дарс бошланди. Ўқувчилар монитор қаршисидан жой олишди. Синфхона, навбатчининг исм-фамилияси, даволат катта экранда акс этди. Дарсга қатнашмаётган икки нафар ўқувчининг номи электрон журналга қайд этилди. Бу вақтда таянч сигнали ташкилий қисмга ажратилган вақт турганини билдирди. Ўқитувчи назорати остида компьютерда охириг мавзуга оид тестлар, кросворд, ёзма ва оғзаки машқлар бажарилди. Топшириқни бажариши керак бўлган ўқувчи номи ва сурати катта экранда намоён бўлар, биринчи ўқувчининг вақти тугаши билан кейингисининг тайёрланиши ҳақидаги сигнал етиб борарди... Бу жараён ўтилган мавзунинг сўраш учун ажратилган вақт тугагунча давом этди. Кўйилган баҳолар авtomatik тарзда электрон журналда қайд этиб борилди.

Янги мавзу ҳам компьютер, аудио, видео ва анимациялардан фойдаланилган ҳолда тушунтирилди. Энг муҳим маълумотларни ўқувчилар дафтарларига ёзиб олишди. Компьютер сигнали янги мавзунинг мустақамлаш жараёнига ажратилган вақтнинг тугаганини билдирди. Уйга вазифа тушунтирилгач, дарс якунланганидан огоҳ этиб кўнғироқ янгради.

Ҳакимжон Рустамов дастурлаштирилган дарснинг одатдаги дарслардан фарқи ва афзалликлари ҳақида гапириб берди:

— Дастурлаштирилган дарс, аввало, ўқитувчи меҳнатини энгиллаштиради. Ўқувчи билимини муносиб баҳолаш, билим даражасини аниқлаш, фанларга қизиқишини ошириб, ўзлаштириш масъулиятини кучайтириш – таълим жараёнининг муҳим ва асосий вазифаларидан саналади. Лойиҳадан кўзда тутилган мақсад айна шу жараёнларни компьютер орқали тез ва осон амалга оширишдир. Дейлик, ўқитувчи ўқувчилар билимининг назоратдан ўтказмоқчи. Бунинг учун у мавзуларга доир савол-жавоблар, тест вариантларини тузиб, компьютерга киритса бўлгани. 45 дақиқа ичида 25–30 нафар боланинг ўзлаштириш даражаси тўла баҳоланади. Вақт сарфлаб жавобларни бирма-бир текширишга ҳожат қолмайди. Бир ўқувчи берилган мисолнинг икки дақиқада ишлади дейлик, иккинчи ўқувчи эса бунга 30 сония сарфлади. Одатда вақт ҳисобга олинмай, ҳар иккаласи ҳам тенг баҳо қўйилади. Бу эса тез фикрлайдиган болага маълум даражада салбий таъсир кўрсатади. Дастурлаштирилган дарсда мана шу ҳиҷат ҳам ҳисобга олинган.

Ўқувчининг ҳар бир дарсда олган баҳоларидан авtomatik тарзда чораклик баҳоши шаклланади. У мавзуларни қай даражада ўзлаштиргани ҳам дарс жараёнида билиб боради. "Синфдошим мавзунинг гапириб берапти" деб ҳаёли чалғи-

майди, аксинча, синфдошининг жавобини, компьютер «берган» баҳоши таҳлил қилади, ютуқ ва камчиликларни ҳақида мушоҳада юрилади.

Имкониятларни янада кенгайтириб...

Ҳакимжон Рустамов «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг педагогик грантлар танловида ана шу лойиҳасини тақдим этиб, 1-ўринга муносиб деб топилди.

Ушбу дастурни нафақат мактаб, балки академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, шунингдек, абитуриентларнинг билим даражасини аниқлашда, билимлар беллашуви, фан олимпиадаларида ҳам қўллаш мумкин.

Ота-она ва ўқитувчи ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳам дастурлаштирилган дарснинг аҳамияти катта. Баъзан ўқувчилар паст баҳошини кундалигига кўйдирмасликка ҳаракат қилади. Дастурлаштирилган дарсда эса ўзлаштириши сусайган, кетма-кет паст бал олган ўқувчининг натижаси ота-онасининг қўл телефонига юборилади. Юқори кўрсаткич қайд этилган ўқувчиларнинг ота-оналарига эса рағбатлантирувчи хабар жўнатилади.

Ҳакимжон Рустамов айна кунларда дастурлаштирилган дарс имкониятларини кенгайтириб, фақат математика ва информатика фани машғулотларида эмас, балки барча фанларни ўзлаштиришда қўллаш устида иш олиб борапти.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири



ЯНА БИР ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ

Қарши шаҳридаги 35-мактабнинг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. «Бинокор» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қурилиш ва капитал таъмирлаш ишларини олиб борган янги мактабда навқирон авлодининг юқори педагогик технологиялар асосида билим олиб, ҳар томонлама соғлом камол топиши учун барча шароитлар яра-

тилган. Шинам ўқув хоналари ва кўркам спорт залида илк машғулотлар юқори кўтаринки руҳда бошланди.

Суратларда: Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мўътабар Файзиева ва 1-синф ўқувчилари.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ixtiro

Бугун аксарият ўқувчиларнинг аниқ фанларни ўрганишга иштиёқи тобора ортмоқда. Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг ҳалда қаро фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаётганини-ку қўя туринг, бу борада ўзига хос янгилик яратган, ихтирога қўл ураётган ёшлар ҳам талайгина. Мисол учун, Ташкент вилояти Зангиота туманидаги 76-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Баҳром Даулетбаев отаси — шу мактабнинг физика фани ўқитувчиси Аралбай Даулетбаев кўмагида янги математик тенглама яратди ва унга «Арал Баҳром тенгламаси», дея ном беришди.

ЯНГИ КўПАЙТИРИШ УСУЛИ

ёки «Арал Баҳром тенгламаси»

Ушбу тенглама ёрдамида маълум сонларнигина кўпайтириш мумкин бўлса-да, амалий аҳамиятга эгадир. Формула бирликлари йигиндиси ўн(10)га тенг бўлган, ўнликлари (шу жумладан, юзликлари, мингликлари...) бир хил сонларни бир-бирига кўпайтиришда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг вақтини тежайди. Унинг қоидаси куйидагича:

Кўпайтирилаётган икки соннинг (а) ўнликлари, юзликлари, мингликлари ... бир хил ва бирликлари (х ва у) йигиндиси 10 бўлса, бу сонларни мазкур тенглама ёрдамида осонроқ кўпайтириш мумкин:

$$(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy$$

Мисол: 13x17

Берилгани: $a=10$; $x=3$; $y=7$.

Ечими: $(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy=(10+10) \times 10 + 21 = 221$

Мисол: 53x57

Берилгани: $a=50$; $x=3$; $y=7$.

Ечими: $(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy=(50+10) \times 50 + 21 = 3021$

Мисол: 93x97

Берилгани: $a=90$; $x=3$; $y=7$.

Ечими: $(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy=(90+10) \times 90 + 21 = 9021$

Мисол: 103x107

Берилгани: $a=100$; $x=3$; $y=7$.

Ечими:

$(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy=(100+10) \times 100 + 21 = 11021$

Мисол: 203x207

Берилгани: $a=200$; $x=3$; $y=7$.

Ечими: $(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy=(200+10) \times 200 + 21 = 42021$

Мисол: 803x807

Берилгани: $a=800$; $x=3$; $y=7$.

Ечими: $(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy=(800+10) \times 800 + 21 = 648021$

Мисол: 903x907

Берилгани: $a=900$; $x=3$; $y=7$.

Ечими: $(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy=(900+10) \times 900 + 21 = 819021$

Мисол: 1003x1007

Берилгани: $a=1000$; $x=3$; $y=7$.

Ечими:

$(a+x)(a+y)=(a+10)a+xy=(1000+10) \times 1000 + 21 = 1010021$

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири



Халқ тилида бир пурмаъно гап юради: устозини кўриб, шогирдига баҳо бер. Албатта, жонкуяр, сабрли ва фидойи ўқитувчилар ўқувчиларнинг чинакам билими ва зукко бўлиши учун ҳаракат қилишади. Бинобарин, ўттиз бир йиллик тажрибага эга Наима Алиеванинг ҳам шогирдлари туман ва шаҳар фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактаби ёш педагоглари Наима опанинг ўғитларига амал қилиб, мавзуларни турли ижодий ёндашувлар асосида ўқувчиларга етказиш усулларини ўрганишаётир.

Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

МАЛАКА ОШИРИШ

ТИЗИМИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

тингловчиларни фаолликка чорлаётир

Ахборот технологиялари ва глобал тармоқ — интернетнинг ривожланиши кутубхоналар фаолиятини, унинг шакл ва усулларини тубдан ўзгартириш, бу фаолиятнинг янги, замонавий йўналишларини ташкил қилиш имкониятларини келтириб чиқарди.

Ушбу янгилашниларга Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2011 йил 23 февралдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари сифатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асос бўлди.

Мактаб раҳбарлари компьютер билимларини тўлиқ ўзлаштириши, уни дарсда қўллаши, интернет тизимидан фойдалана олишини тақозо этмоқда. Таълим муассасасига раҳбар этиб тайинланган шахс доимий равишда ўз устида ишлаши, янгиликлардан хабардор бўлиши, ўқиб-ўрганиши зарур. Айнан шу эhtiёжни қондириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2009 йилдаги 46-сонли буйруғи асосида Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг кутубхонаси негизида ташкил этилган ахборот-ресурс маркази моддий-техника базаси ҳам талаблар даражасида мустаҳкамланди.

Институтда ахборот-ресурс маркази ташкил этилиши кутубхона ишидаги инновацион жараёнларнинг фаоллашувига имкон яратди. Билим маскани 3та бўлим, яъни 50 ўринга мўлжалланган ўқув зали, абонемент ва медиа бўлимларидан иборат. АКТ имкониятларидан самарали фойдаланилаётган малака оширишга келган мактаб директорлари ва бошқа фойдаланувчиларнинг жаҳон ахборот ресурсларига эркин кириб боришини таъминла-

моқда. Ҳозирги кунда ARMDa жамланган илмий-педагогик адабиётлар фонди 30 мингдан ортқ нусхани ташкил этади. ARMDa фондида педагогика ва психологияга оид ноёб хорижий нашрлар ҳам мавжуд.

Моддий-техник таъминотни мустаҳкамлаш ҳамда фойдаланувчиларга тақдим этилаётган хизмат турларини янада такомиллаштириш мақсадида шу йил ARMDa қайтадан тўлиқ таъмирланди, янги мебель ва компьютерлар билан жиҳозланди. Алоҳида ички компьютер тармоғи ташкил этилгани тингловчилар ва институт ходимлари учун эркин фойдаланиш имкониятини бермоқда. Барча компьютерлар интернет тармоғига уланган. ARMDa фондидаги адабиётлар ҳақидаги маълумотлар замонавий электрон каталог хисобланадиган “ИРБИС” тизимига кириштирилди. Ҳозирги кунгача электрон каталогта 15 мингдан зиёд маълумот киритилди.

Доимий равишда маҳаллий ва хориж газета ва журналларидаги мақолалар асосида тўлиқ матнли маълумотлар базаси ташкил этиб борилмоқда. Тингловчилар учун ҳар ойда ўтказиладиган электрон дарсликлар тақдимида, улардан амалда фойдаланиш шакл ва усуллари ҳақида маълумот берилапти.

Институт ходимларининг маъруза матиларининг электрон ва ёзма вариантларидан тингловчиларнинг фойдаланишлари учун имконияти яратилган. ARMDa муҳим саналарга, ёзувчи ва шоирлар юбилейларига, давлатимиз байрамларига бағишланган кўплаб қизиқарли тадбирлар: адабий кечалар, мушоира, янги китоб тақдиротлари ташкил этиб борилмоқда.

ARMDa ўз сайтига эга: www.avlony-library.connect.uz. Ушбу веб-сайтда институт ва ARMDa ҳақида маълумот, профессор-ўқитувчи-

ларнинг маъруза матнлари, методик қўлланмалар, “Кутубхоначидан сўранг” интернет-форуми, виртуал кўргазма, электрон кутубхона жой олган. “Кутубхоначидан сўранг” форуми орқали хоҳлаган вақтда кутубхона фонди ҳақида маълумот олиш, соҳага оид мақолалар билан ҳам танишиш мумкин. Виртуал кўргазмада янги китоблар ҳақида маълумот олиш имкони яратилган бўлса, кутубхонада эса электрон китоблар жойлаштирилган.

ARMDa ходимлари www.connect.uz — таълим порталини ҳам бошқариб борадилар. Портал орқали ҳар ойда турли мавзуларда (халқ таълимига тегишли масалалар юзасидан) форумлар ташкил қилинади. Ушбу форумларга республикамиздаги малака ошириш институтлари ва таълим муассасаларининг ходимлари жалб этилади. Форум иштирокчилари турли саволлар билан мурожат қилиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар. Сайтда «Педагогик маҳорат» ва «Замонавий дарс» мавзулари бўйича барча фанлардан энг намунали дарс ишланмалари, маъруза матнлари ва малакавий ишлар танловлари ўтказилиб, гоилилар тақдирланмоқда.

ARMDa электрон каталог, электрон почта, вебсайтдан фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишларни фаолиятни автоматлаштириш, электрон ҳужжат алмашинуви томон қўйилаётган қадам сифатида баҳолаш мумкин. Малака ошириш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг татбиқ этилаётгани ҳар бир раҳбар ходимнинг ўз иш жойида ҳам худди шундай ахборот базасини яратиш заруратини чуқур англаб етиши ва амалга оширишига туртки бўлади.

София НУРИДДИНОВА,
Абдулла Авлоний номидаги
ХТХҚТМОМИНИНГ
ахборот-ресурс маркази
раҳбари,
Гулноза ОМОНОВА,
шу марказнинг
бош библиографи

«АВВАЛО, ИШОНЧГА ЭРИШМОҚ КЕРАК»

дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгашининг раиси Эркинжон Каримов

Бошлангич ташилотлар касаба уюшмалари пойдевори ҳисобланади. Уларни малакали ва тажрибали кадрлар билан мустақамлаб боришга эришмоқда-миз. Шунинг учун ҳам жойларда имзоланган жамоа шартномалари мазмуни ва сифати йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Корхона, ташилот ва муассасалар бошлангич касаба уюшма ташилотлари ишидаги янгича ёндашув ва ташаббускорлик уларга бўлган ишончнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

— Бу нималарда ўз аксини топмоқда?

— Авваллари касаба уюшмаларига асосан санитарийларга йўланмалар сўраб мурожаат қилинар эди. Эндиликда мурожаатлар мазмунини меҳнат муносабатларига оид масалалар ташкил этмоқда. Демак, улар касаба уюшмалари кўп масалаларни ҳал этишга қадар эканлигига ишонмоқдалар.

— Касаба уюшмалари фаолиятида маданий-маънавий, спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириб бориш мумкин ўрин тутади...

— Биз бу борадаги энгил-елпи тadbирлардан воз кечиб, жойларда ислохот-

дида «Устоз-шогирд» усулида амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлаштириш учун корхоналарга бириктириш, ёшлар учун яратилган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Соҳа фаоллари ва иқтидорли ёшлар, кам таъминланган оилаларда яшаётган ўқувчилар учун стипендиялар таъсис этганмиз. Ўқув даврида корхоналарда амалиёт ўтаётганларнинг 1569 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдориди, жами 19 млн. 177 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу кунларда тармоғимиздаги корхона, ташилот

ва муассасаларга ишга жойлашган ёшлар таркиби ўрганилмоқда. Мақсад вилоят, туман, шаҳар кенгашлари томонидан коллежларни имтиёзли диплом билан тугатган ва кам таъминланган 673 битирувчига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди ёрдам пули беришдир. Бундан ташқари, касб-хунар коллежларининг ўзида янги иш ўринлари яратилмоқда. Биргина Бўз педагогика коллежиди ички имкониятлардан келиб чиқиб, тикувчилик цехи ташкил этилган. Бу ерда битирувчилардан 10 нафари меҳнат қилапти. Қўргонтепа индустриал-педагогика коллежиди 20 битирувчи кадрдон ўқув юртининг ўзида иш билан таъминланди. Улар шу ерда ташкил этилган «Умидли тонг шижоати» унитар корхонасида ишламоқдалар.

— Битирувчиларга имтиёзли кредитлар бериш масаласи қандай ҳал қилинмоқда?

— Шу йилнинг ўзида тadbirkorлик билан шугулланиш истигадаги 32 битирувчига 68,7 млн. сўм миқдориди имтиёзли кредит берилди. АТБ «Микрокредитбанк» вилоят филиали томонидан Жалакудук хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежининг 11 нафар, шу тумандаги педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг 3 нафар, Қўргонтепа индустриал педагогика коллежининг 11 нафар битирувчига имтиёзли кредитлар ажратилишига эришилди.

— Саб-хунар коллежлари ўқувчилари ва битирувчиларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар давом этаяптими?

— Албатта. Кенгашимиз тизимида 12та академик лицей ва 57та касб-хунар коллежлари мавжуд. Бу йил коллежлари 23152 нафар ўқувчи тамомлади. Битирувчиларнинг ўлиқ бандлигини таъминлаш мақса-

Сухбатдош Орифжон СИДДИКОВ

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sohibalari

Эндигина кўз очган булоқдан сизиб чиқаётган сувнинг ҳаракатини кузатганмисиз? У ўз йўлидаги тўсиқларни энгиш учун тошдан-тошга урилиб, олдинга ҳаракат қилади. Йўл-йўлакай гулу гиёҳларга, дов-дахтларга ҳаёт бағишлаб, олдин ариқчаларга, кейин дарёга қўшилиб кетади. Дарё бағрида улкан ҳаёт бор. Бу ҳаёт, аввало, она заминимизга куч-қувват бағишлайди. Ҳаётимизнинг гуллаб-яшнаши, замондошларимизнинг турмуш фаровонлиги, юртимизнинг эртанги куни янада гўзал бўлишига хизмат қилади.

Катта ҳаётга орзу ва истаклар билан интилаётган ёшларни дарёларга қўшилаётган жилга ва ирмоқларга қиёс этаск муболага бўлмас. Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Бахтижон Исроилова ана шундай ёшлардан бири. У мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ

ларини амалда қўллаш борасида бир неча мартаба очиқ машғулотлар ўтказди. Машғулотларда иштирок этган ва уни кузатган мутахассислар Бахтижоннинг қобилияти ва изланишига ижобий баҳо беришди.

Ўқиш, ўрганиш ва ижодкорликни ҳаёт шиорига айлантирган Б.Исроилова турли кўрик-

таълим грантини қўлга киритди.

— Мен таълим йўналишида, хусусан, инглиз тилини ўрганишда қандай ютуққа эришган бўлсам, бунда устозим Дилафрўз Фафурованинг хизматлари жуда катта, — дейди Бахтижон Исроилова. — Ўқиш-ўрганиш йўлида қийинчиликларга дуч келганимда, иккиланган пайтларим устозим менга маънавий куч бағишлаган. Бугунги кунда бадий ижод намуналарини таржима қилишда, бадиалар битишда устозимнинг кўмагига суянаман. «Инглиз тилидан ўзбек тилига таржиманинг стилистик муаммолари» мавзусида илмий иш олиб боришимга ҳам устозим ҳамisha бош-қош.

Бахтижон Исроиловнинг таълим йўналишидаги изланишлари ва эришган ютуқлари муно-

ЖИЛФАЛАР ДАРЁГА ИНТИЛАДИ

бошқа фанлар қатори хорижий тилларни ўрганишга ўзида катта истак ва хоҳиш сезарди. 11 ёшида инглиз тилида равон сўзлаши билан устозлар эътиборига тушди. Ҳаракатчан ва тиришқоқ қиз олдин кичик ҳажмдаги шеър ва ҳикоялар ёзишни машқ қилди. Шу билан биргаликда ижод намуналарини инглиз тилига таржима қилишга ҳам уриниб кўрди. Унинг бу уринишлари зое кетмади. 2009 йили «Бир бор экан...» деб номланган инглиз тилидан ўғирилган таржималари «Тафаккур бўstonи» нашриёти томонидан китоб ҳолида чоп этилди.

Бахтижон ўз орзу ва ниятлари йўлида изланишни бир зум тўхтатмади. Натижада қисқа вақт ичида унинг «Инглиз тили фанидан тўғарак машғулотларини олиб бориш», «Инглиз тили дарсларини самарали ташкил этиш» деб номланган услубий ишланмалари яратилди. Эътиборли томони шундаки, қаҳрамонимиз ўқувчи бўлишига қарамасдан дарс ишланмалари ва қўлланмалар устида олиб борган ишлари ўз самарасини кўрсатди, устозлар эътиборини қозонди. У ўз яратган дарс ишланма-

танловлар ва жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан ажрალიб туради. «Нафосат», «Еш қалам-кашлар» кўрик-танловларининг республика босқичида 1-ўринини эгаллагани ҳам бунинг исботидир. Шунингдек, у «Камолот» ЁИХ томонидан «Ҳаракатнинг дастури ва вазифаларини бажаришда фаол иштироки учун» дипломи билан тақдирланди. Шу йиллари инглиз тилидан фан олимпиадаси вилоят босқичида 1-ўринини қўлга киритди. Республика илмий-амалий конференциясида муваффақиятли иштирок этди. «Ёшлар» телерадиоқанали томонидан уюштирилган «Эверест» телевикторинаси ғолиби бўлди.

Ижоднинг кўпгина турлари билан мунтазам шугулланиб келаётган Бахтижон спорт билан ҳам мунтазам шугулланади.

Таълим ва бадий ижод йўналишида изланиш, ижод қилиш унга бирин-кетин ютуқлар келтирмоқда. «Келажак овози-2011» мега танловининг республика босқичи иштирокчисига айланди. Шу йили таълим грантлари дастурининг танловига мувофиқ, Оксфорд университетиди ўқиш учун бир йиллик

сиб тақдирланди У Зулфия номидидаги Давлат мукофотига муносиб деб топилди. Ўқиш ва изланиш давом этмоқда. Изланувчан қиз айни кунда Ўзбекистон давлат жaxon тиллари университетига имтиёзли равишда талабалikka қабул қилинди.

— Ҳаётда эришаётган ютуқларимнинг барчаси — мустақилликнинг меваси деб биланам, — дейди Бахтижон. — Чекка бир қишлоқдаги қизнинг ўқиш ва изланиш йўлидаги ютуқларига истиклол қанот берди. Юртимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун яратилаётган шароитлар ҳаммининг ҳавасини келтиради.

Умрнинг маъносини ўқиш-ўрганишда деб билган мақола-миз қаҳрамонини ҳамон изланишда. Унинг айтишича, ҳаётда ота-она кўнглини олган, устозлар ишончини қозонган, китобни ўзига дўст деб билган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Юртимизнинг келажига учун етук мутахассислар сафида хизмат қилиш, ўзининг истеъдоди ва маҳоратини юрт тараққиётига бағишлаш, унинг эзгу тилаги.

Абдусаттор СОДИҚОВ, «Ma'rifat» мухбири

БОЙ ТАЖРИБА — САМАРАЛИ ДАРС АСОСИ

Янги ўқув йили ҳар бир ўқувчинини янгиликка ундайди. Бу эса педагог зиммасига ўз устида тинимсиз ишлаш, яна-да кўпроқ изланиш, ўқувчи иқтидорини ривожлантиришга бор эътиборини қаратиш масъулиятини юклайди. Мактабимиз жамоаси ҳам ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар ва камчиликларни таҳлил этиб янги ўқув йилида амалга ошириладиган янгиликлар хусусида фикр алмашиб олди.

Хусусан, ўқувчиларимизнинг «Билмилар беллашуви», фанлар олимпиадаси каби йирик танловларнинг туман ва шаҳар босқичларидаги иштироки таҳлил этилиб, уларнинг республика босқичида ҳам фаол қатнашишини таъминлаш учун куйи босқичларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар бир фан бўйича ноъанавий дарслар ташкил этиб ўқувчилар билимини ошириш ва фанларга қизиқтириш педагогларимизнинг асосий вазифаси.

Мен ўқувчиларга тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидан сабоқ бераман. Ўтган ўқув йилида машғулотларга Тошкент давлат педагогика университети Бадий график факультети



ўқитувчиларини тақлиф этиб, жонли мулоқот уюштириш орқали ўқувчилар қизиқишини оширишга ҳаракат қилган эдим. Ўқувчиларимнинг дарсдан олган таассуротлари асосида бу усулни янада бойитиб, касб-хунар коллежи, олий ўқув юртларига саёҳат дарслари уюштириш устида изланишмоқдам. Зеро, тажрибани босқичма-босқич бойитиб бориш ўқитувчининг муваффақията етаклайди.

Зулайхо ХОШИМОВА, Олмазор туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси

Ривоят қилинишича, бир алломанинг донишмандлигини синаш мақсадида замондошлари унинг олдига ўн кишини «Билим афзалми, бойликми?» деган бир савол билан юборишибди. Донишманд ҳар бирига ҳар хил жавоб берибди:

— Албатта, билим афзал. Сабаби, билим ақлли, яхши одамлардан қолган мерос, бойлик эса бахилларга хос.

Ta'kid

БИЛИМНИНГ ЎН АФЗАЛЛИГИ

— Билим сени боқади, бойликка эса сен боқасан!

— Билим ёнингга дўстларингни чорлайди, бойлик душманингни орттиради.

— Билим изласанг ортиб боради, сарфласанг ҳам камайиб қолмайди.

— Билимни ўғридан саклашнинг ҳожати йўқ, тўплаган дунё ва мол-мулкни ўғрию талончилардан асрашингга тўғри келади.

— Билимнинг мўл бўлса, сени ҳурмат қилувчилар кўпаяди, бойлигинг кўп бўлса, сени кўра олмайди-ганлар кўпаяди.

— Билим туганмас, мўл-кўл бўлгани билан ҳисоб-китоб қилмайсан, бойликни эса доимо ҳисоблаб туришинг керак.

— Билим ҳеч қачон тугамайди, мол-дунёнгдан эса бир кунда айрилишинг мумкин!

— Билим маънавийатингни бойитади, бойлик эса руҳиятингни чекайди, ўзингни тўғри йўлдан оздиради.

— Билимли одам ўрни билан гапирари ва маданияти ортиб боради, бойлиги мўл билимсиз одам эса мол-дунёсини макташдан бошқасини билмайди!

Алломанинг бу жавобларидан сўнг замондошлари унинг ақл-заковатиға, донолигиға яна бир бора тан берибдилар.

Анар ЖАҚСИМУРАТОВА, талаба

КИЙСАК, ДЎППИ КИЯЙЛИК

Оила аъзоларимиз билан ҳар йили юртимизнинг муқаддас қадамжоларига саёҳат қиламиз. Бу йил замин сайқали Самарқандга равона бўлдик.

Буни қарангки, қадимий шаҳаримиз чет эллик сайёҳлар билан гавжум экан. Мадраса ҳўжрасида жойлашган дўконда икки инглиз сайёҳининг суҳбати эътиборимизни тортиди. Қиз саллани, йигит эса зар дўппини кийиб олган эди. Аввалига буни ҳазил, деб ўйладик. Улар биздан суратга олиб қўйишимизни сўради. Шунда укам инглиз тилида бйрон

сўзлаб, бош кийимларни янглишиб кийганларини тушунтирди. Сайёҳлар бундан бағоят мамнун бўлдилар. Улар билан бирга Регистон майдонини айландик. Анча вақтдан сўнг эътибор берсам, меҳмонлар ҳали ҳам бошларидан миллий дўппимизни ечмаган экан... Тўғриси, укам иккимиз шляпа кийиб олганимиздан чет элликлар олдиди бироз хижолат ҳам чекдик.

Мўътабар ОБИДЖОНОВА, ЎЗМУ талабаси

«Тил ва адабиёт таълими» илмий-методик журналининг 8-сони дунё юзини кўрди. Журналнинг бу сони мустақиллигимизнинг 21 йиллиги нишонланаётган улуг айём кунларида нашрдан чиқди.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ байрам кунлари нашрдан чиқди

Журнал бош мақоласида она тилимиз бошдан ўтказ-чиқини таъминлаган. Санобар Абдурахмонованинг дарс ишланмаси, Дилдора Нуриддинованинг «2-синф «Ўзбек тили» дарслиги билан ишлаш юзасидан тавсиялар»и, профессор Умарали Норматовнинг ёзувчи Худойберди Тўхтабоев ҳақидаги

Qadriyat

«Тил ва адабиёт таълими» журналини мутолаа қилган устоз-муаллимлар ўз фаолиятлари учун зарур бўлган тавсия ва маълумотларга эга бўла-

«Ўзбек болалар насри даргаси» мақолалари журнал мазмунини бойитишга хизмат қилган. «Тил ва адабиёт таълими» журналини мутолаа қилган устоз-муаллимлар ўз фаолиятлари учун зарур бўлган тавсия ва маълумотларга эга бўла-

дилар.

Н.ХОЛМЕТОВА

Пойтахтимиздаги Янгиобод бозорига бордим. Компьютеримга эҳтиёт қисм зарур эди. Бир ҳолат мени ҳайрон қолдирди. 26 — 28 ёшлар атрофидаги бир гуруҳ забардаст йигитлар кўлида диск ушлаб, харидор чорляпти. Сездим, беҳаё фильмлар ёзилган дисклар. Номлари ҳам алламбало.

Тоғни толқон қилгудек бу йигитлар, наҳотки, шу даражада пасткашлик билан пул топишса? Беҳаёлик, қотиллик манзаралари акс эттирилган диск олди-сотдисидан туш-

Afsus

БЕҲАЁЛИКДАН КЕЛГАН ДАРОМАД

ган даромад улар учун ҳалолми? Оломон орасида бемалол бақираётган йигитлар ўз оиласи даврасида ҳам ўзини шундай тўтса керак.

Ҳукуматимиз томонидан ёшларни «оммавий маданият» хуружидан қутқаришга ҳаракат қилинаётган бир пайтда бу каби кимсаларнинг «фаолият»ини оқлаб бўлмайди.

Жамшид ҲАМРОЕВ, ЎЗМУ талабаси



«ШИРИН»НИНГ ШИРИНСУХАН ОДАМЛАРИ

Вобкент туманидаги агросаноат коллежи Ширин қишлоғи чиройига чирой қўшиб турибди. Билим маскани хоналариға кирсангиз, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлардан қувонасиз. Айтганча, бу қишлоқ нега бундай номланган экан-а?

— Қадимда шу ерларда Ширин буви деган табиб ўтган экан. У беморларни турли гиёҳлардан ташқари, ширин сўзи билан ҳам даволаган.

қишлоқ номи шу тариқа пайдо бўлган экан, — дейди ҚФЙ раиси Ўктам Иззатов.

Чиндан ҳам, қишлоқ одамлари билан суҳбат курсангиз, уларнинг қанчалик самимий ва одамхунлигиға тан бера-сиз. «Ширин»нинг одамлари ширинсўз бўлади» деган гап беҳиж айтилмаганиға амин бўласиз.

Шаҳрибону ИМОМОВА, талаба

Tarbiya — saodat

БОЛА — НИҲОЛ тўғри парваришға муҳтож

Кўчат тўғри парвариш қилинса, бақувват ва тўғри бўлиб ўсади, ширин мевалар беради. Ёшларни ҳам ана шундай ниҳолға қиёслаш мумкин. Фарқи шундаки, дарахтни парваришласа фақат богбоннинг юмуши бўлса, бола тарбияси барчанинги иши саналади.

— Вояға етмаган ёшлар доимий назоратимизда, — дейди Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зайнаб Ганиева. — Ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш учун, аввало, коллежни битирган ўқувчиларни ишға жойлаштиришимиз, мактаб ўқувчиларининг вақтини беҳуда ўтказишлариға йўл қўймаглигимиз керак. Шу мақсадда тегишли идоралар билан зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, 282-умумтаълим мактаби маъмурияти билан ўқувчилар давоматини яхшилаш бўйича мунтазам суриштирув ишларини олиб бораялгимиз.

Элдор МАДАТОВ, ЎЗДЖТУ талабаси

ҲУШЁР

БЎЛАЙЛИК!

Бугунги кунда интернет ва бошқа замонавий технологиялардан ёвуз мақсадларда фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис, дунё мафкуравий манзарасида икки кўчнинг ўзаро кураши кўзға ташланмоқда. Буларнинг биринчиси — тараққиёт сари интиляётган халқларнинг илғор ва бунёдкор мафкураси бўлса, иккинчиси уларнинг йўлиға гов бўлишға уринаётган зарарли ва вайронкор ғоялардир.

Айрим гаразли кўчлар ўз мақсадларини амалға ошириш йўлида радио, телевидение, газета-журнал, интернет, ҳаттоки ўқув қуроллари ва ўйинчоқлардан ҳам фойдала-

нишға интиляётгани кишини сергакантиради. Кўнгина хориж фильмларида бош қахрамон тенгсиз «жасорат» кўрсатиб, шунчалик кўп одам ўлдирадик, кўриб ёқа ушлайсиз. Мурғак қалб беҳисоб қон тўкилганини кўравериб, дийдаси қотиб, меҳр ва шафқат туйғуларидан йироқлашиб қолмасмикан? Бизнинг бефарқлигимиз фарзандларимиз учун қимматға тушиши ҳеч гап эмас.

Саида КАРИМОВА, ГўлДУ талабаси

«БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ» — МЕТОДИК КЎМАКЧИ

«Бошланғич таълимда илк саводхонликини ошириш, ўқивда иштиёқ уйғотишға катта эътибор берилади. Бу жараёнға кўникма, албатта, мактаб-гача таълим муассасаларида шакллантирилади. Шунинг учун ҳам мактаб ва богча ҳамкорлигидан кутиляётган фойданинги салмоғи юксак. Бу борада ўрناк олса арзийдиган бир таърибани келтириб ўтсак...»

Хўш, у қандай таъриба экан? «Бошланғич таълим» журналининг 8-сонини ўқисангиз, бу саволға батафсил жавоб оласиз.

Мана, умумтаълим муассасаларида янги ўқув йили бошланди. Ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқариб, таълимдан маълум даражада узилган ўғил-қизларни машғулотларға моҳирона жалб этиш, янги ўқитиш методлари ёрдамида



самарали билим бериш жуда муҳим. Журналдан ўрин олган «Муסיқанинги сеҳрли кучи», «Матн мазмунини қайта ҳикоя қилишға ўргатиш», «Росттўйликининг тўҳфаси», «Олтин куз — ҳосилинги юз», «Соғлигимиз — бойлигимиз» каби таҳлилий

ва қизиқарли мақоалалар, дарс ишланмалари бу борада педаголарға қўл келади.

Наманган давлат университети ўқитувчиси М.Тошибекованинги «Ўзига хос ижод жараёни» мақоласидаги таълим-тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборға олиб, дарсларни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш бўйича қизиқарли тавсиялар ҳам педагогларни бефарқ қолдирмайди.

Янги очилган «Фойдали маслаҳатлар» рўкни орқали муштарийлар турли мазали таомлар, пишириқ, салат, шарбат ва десерт тайёрлаш усуллари ҳамда кундалик ҳаётда асқотадиган қизиқарли маълумотлардан воқиф бўлиб боради. Ушбу сонда эса «Гулларни гулдонда узда сақлаш сирлари» ҳақида зарур тавсиялар берилган.

Ғолиб БАҲРОМОВ

Эль-Ниньо (El Nino) испанчада "чақалоқ", "болакай" маъносини англатади. Тадқиқотчилар бу номни бир неча йилда бир марта кузатиладиган, Эквадор ва Перу соҳилларидаги Тинч океани устки сув қатламларининг аномал тарзда исиб, иқлимга таъсир ўтказишига нисбатан беришган. Тор доирада эса Эль-Ниньо атамаси илик сув устки қатламларининг шарққа силжиши кузатиладиган Жанубий осцилляция фазасига нисбатан қўлланилади. Одатда Жанубий Американинг Тинч океани соҳили бўйлаб Перу оқими туфайли юзага келадиган совуқ сув қатламининг қирғоқ бўйига кўтарилиши оқибатида океан юзаси ҳарорати 15—19 даража кўрсаткич ўртасида бўлади. Эль-Ниньо даврида эса соҳилбўйи худудларда океан юзаси ҳарорати 6—10 даражагача ошади. Геологик ва полеоиклимий изланишлардан маълум бўлишича, мазкур феномен тахминан 100 минг йилдан бери кузатилади. Океаннинг устки қатлами ҳарорати ўта иссиқ ҳолатдан нейтрал ёки совуқ кўрсаткичга ўзгариши 2—10 йиллик муддат оралиғида содир бўлади. Бугунги кунда "Эль-Ниньо" атамаси нафақат Жанубий Америка яқинидаги соҳилбўйи худуди, балки Тинч океанининг аксарият тропик қисмидан тортиб 180 меридиангача бўлган худудга нисбатан ҳам қўлланилади.

— Перу соҳилларидан бошланиб, Осиё қитъасининг жануби-шарқида жойлашган архипелаг(ороллар гуруҳи)-гача чўзилган доимий илик оқим бор. У тахминан АҚШ майдонига тенг худудни эгаллаган узун иссиқ сув ҳавзаси ҳисобланади. Унинг иссиқ суви мунтазам парла-ниб, атмосферани энергия билан "тўлдирди". Илик океан тепасида булутлар ҳосил бўлади. Одатда пассат (тропик худудда доимий эсадиган) шамоллари ушбу илик сув қатламини Америка соҳилларидан Осиё томон ҳайдайди. Индонезияга яқин худудда оқим секинлашиб, Осиё жанубида муссон ёмғирлари ёға бошлайди. Эль-Ниньо кузатиладиган даврда эса экватор худудида мазкур оқим одатдагидан ҳам иссиқроқ бўлади. Бунга сабаб пассат шамоллари сустлашади ёки умуман эсмайди. Илик сув ҳар томонга тарқаб, Америка соҳилларида қайта бошлайди. Натижада, аномал конвекция (денгиз ва океанларда юқори ва остки сув қатламларининг алмашиб туриши) худуди юзага келади. Бу Марказий ва Жанубий Америкада ёмғир ёғиши ёки довулларга олиб келади. Сўнгги 20 йил ичида Эль-Ниньо фаоллашган бешта давр — 1982—83, 1986—87, 1991—1993, 1994—95 ва 1997—98 йилларни ажратиб кўрсатиш мумкин, — деб ёзади бу ҳақида Европа тадқиқотлар маркази ходимлари "Нейчэ Сайнс" нашрида.

Осцилляциянинг қарама-қарши фазаси Ла-Нинья (ис-

панчада La Nica — қизалоқ) дея аталиб у Эль-Нинього тескари ҳолат бўлиб, Тинч океани тропик худуди шарқидида сув сатҳи ҳароратининг иқлимий метёрдан ҳам пасайиши сифатида изохла-нади. Мазкур ҳолат 1984—85, 1988—89 ва 1995—96 йилларда кузатиладиган. Ушбу даврда Тинч океанининг шарқий қисми ноодатий совуқ об-ҳаво шароитида қолади.

Ла-Нинья шаклландиган пайтда пассат шамоллари-нинг ҳар икки Америка мате-

2. Австралиядида Дарвин порти ва Таити ороли ўртасидаги атмосфера босими тенденцияси таққосланади. Эль-Ниньо пайтида Таитида босим баланд, Дарвин портида эса паст бўлади. Ла-Нинья даврида аксинча ҳолат кузатилади.

Охириги 50 йил ичида ўтказилган тадқиқотлар Эль-Ниньо ва Ла-Нинья феноменлари иқлимнинг глобал миқёсда йил мобайнидаги энг фаол намоён бўладиган ўзгаришларидан эканини кўрсат-

хам олиб келади. Чили марказий қисмида кўп ёмғирли юмшоқ қиш кузатилса, Перу ва Боливияда мазкур худуд учун одатий бўлмаган қалин қор ёғиши мумкин.

Амазонка ҳавзаси, Колумбия ва Марказий Америка мамлакатларида нисбатан иссиқ ва қуруқ об-ҳаво ҳукмрон бўлади. Яна тропик худудларда Тинч океанининг марказий қисмидан шарққа қараб ёғингарчиликнинг ортиши ёки Австралиядидаги Филиппин, Индонезия ва Филип-

лон ва антициклонлар ҳаракатининг фаоллашувида намоён бўлади.

"ФизОрг" манбасида келтирилишича, сўнгги йилларда Эль-Ниньо феноменини комплекс тадқиқ этишда катта муваффақиятларга эришилди. Эль-Ниньо атамаси илк мартаба 1892 йили кема капитани Камилло Карелло томонидан Лимада География жамяти конгрессида тилга олинган бўлиб,

ЭЛЬ-НИНЬО ВА ЛА-НИНЬЯ

Табиий ёнғинлар ва сув тошқинлари, қурғоқчилик ва тўфонлар — буларнинг фаолиги Ер юзидида яқин йиллардан бери кузатила бошланган. Ёнғинлар аввалига Индонезия ўрмонларининг қулини кўкка соғурди, сўнгра Австралия кенгликларида кўчди. Кучли ёмғирлар шу кунгача ўта қурғоқчил ҳисобланган Чилидаги Атакама саҳросида одатий ҳолга айлана бошлади. Шаррос куйган ёмғирлар Жанубий Американи ҳам четлаб ўтмади. Табиатнинг бундай "ўзбошимчилиги" оқибатида юзага келган йўқотишлар энг кичик ҳисоб-китобларга кўра, тахминан 50 миллиард долларни ташкил этади, дейишмоқда мутахассислар. Мазкур барча ҳолатларнинг асосий "айбдори" сифатида Жанубий осцилляция номини олган Эль-Ниньо феномени кўрсатилади.

Tabiat va biz

ригининг ғарбий соҳилидан кучайиши бошланади. Шамоллар илик сув худудини "ҳайдаб", совуқ сувлар худуди Эквадор — Самоа ороли қисмида, яъни Эль-Ниньо даврида илик сув "белбоғи" бўлган жойда 5 000 километр масофани эгаллайди. Бу даврда Ҳиндихитой, Ҳиндистон ва Австралиядида кучли муссон ёмғирлари кузатилади, Кариб денгизи атрофи мамлакатлари ва АҚШ қурғоқчилик ва қуюнлардан азият чекади.

Этиборлиси, Ла-Нинья ҳам Эль-Ниньо каби декабрь-март ойлари оралиғида кузатилади экан. Фарқи шундаки, Эль-Ниньо йилига ўртача 3-4, Ла-Нинья эса 6-7 марта содир бўлади. Ҳар икки феномен даврида ҳам довуллар кўп мартаба кузатилади, айниқса, Ла-Нинья пайтида Эль-Ниньо даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 3-4 баробар кўпроқни ташкил этади.

Сўнгги кузатувлардан маълум бўлишича, Эль-Ниньо ёки Ла-Ниньянинг содир бўлишини куйидаги белгиларга қараб аниқлаш мумкин:

1. Тинч океанининг шарқий қисмида, экватор атрофида одатдагига нисбатан илқроқ (Эль-Ниньо) ёки совуқроқ (Ла-Нинья) сув "доғи" ҳосил бўлади.

икки қарама-қарши феномен, икки хил таъсир омили



пайтда ёғингарчилик меъёридан камайиши мумкин. Хусусан, Индонезия, Филиппин ва Австралия шимолида намликнинг камайиши ўрмон ёнғинларининг содир бўлишига замин яратади.

Ла-Нинья даврида эса аксинча ёғингарчилик Тинч океанининг ғарбий экваториал қисми, Индонезия ва Филиппинда кучайиб, океанининг шарқий қисмида деярли кузатилмайди. Бутун дунёда ноодатий совуқ об-ҳаво шароити ҳукм сурадиган худудларнинг сони кўпайиб, ёғингарчилик меъёридан ортиб кетиши қайд этилади. Япония, Приморье, Жанубий Аляска, Канаданинг ғарбий қисми ва марказида совуқ қиш, Африка жануби-шарқида, Ҳиндистон ва Жануби-Шарқий Осиёда совуқ ёз бўлиши мумкин.


Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, Эль-Ниньо билан боғлиқ асосий ўзгаришлар ва ҳодисалар асосан тропик худудда содир бўлса-да, улар Ер қуррасининг айрим қисмларида кузатилаётган бошқа жараёнлар билан ҳам боғлиқ. Эль-Ниньо даврида тропик ва мўътадил кенгликлар тропосферасига энергиянинг кўчиши кузатилади. Бу ўз навбатида тропик ва кўтб кенгликлари ўртасидаги ҳарорат билан боғлиқ фарқларнинг кескинлашуви, мўътадил кенгликларда цик-

мазкур номни перулик денгизчилар илик шимол оқими нисбатан кўллар экан. 1893 йили австралиялик тадқиқотчи Чарльз Тодд Ҳиндистон ва Австралиядидаги қурғоқчилик ҳолатлари бир пайтда содир бўлишини тахмин қилган. 1904 йили инглиз астрономи Норман Локьер ҳам шу ҳолатга эътибор қаратишни таъкидлаган. Перу соҳилларидаги илик оқимнинг мамлакатдаги сув тошқинлари билан боғлиқлиги 1895 йили тадқиқотчилар Пезет ва Эгуигурен томонидан ўрганилган. Жанубий осцилляция ҳолатини эса илк марта британиялик метеоролог Гилберт Томас Уолкер 1923 йили батафсил тасвирлаб берган. Айнан шу олим Жанубий осцилляция, Эль-Ниньо ва Ла-Нинья атамаларини фанга киритиб, шу ном билан аталувчи Тинч океани ҳавзасидаги экваторга яқин худуд атмосферасида зонал конвекция циркуляция(сув қатламларининг алмашиб туриши)ни кузатишга муваффақ бўлган. Таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар давомида олимлар мазкур ҳолат фақат бир худуд доирасида кечадидея ҳисоблаб, унга умуман эътибор қаратишмаган экан. Фақатгина XX асрнинг охиридаги келиб Эль-Ниньонинг глобал иқлимга таъсири борлиги аниқланган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни пайтда Перу соҳилларида ҳароратнинг 0,5 даражага ошишининг ўзи Эль-Ниньо ҳодисасининг юзага келишига замин яратади. Одатда бундай ноодатий ҳолат бир неча ҳафта кузатилиб, сўнгра тинчиб кетиши мумкин. Фақат беш ойлаб давом этадиган ва Эль-Ниньо феномени сифатида таърифланадиган ҳолатгина иқлимга сезиларли таъсир ўтказиши, иқтисодий зарар келтириши ва худудда сув билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган ишларга халал бериши мумкин экан.

Наргиза ИБРОҶИМОВА
тайёрлади.

КУЁШ БИЛАН УЙЛАР ИСИТИЛАДИ



Квинсленд технологик университети (Австралия) олими Паоло Коррада кўёш энергияси ёрдамида уйлари иситиладиган ёки совутиладиган тизимни ишлаб чиқмоқда. Мутахассис ушбу тизим уйда кераклик ҳароратни сақлаб туриш учун кетадиган харажатларни 90 фоизга қисқартириши

мумкинлигини таъкидламоқда. "Компьюлента" манбасида бу ҳақида маълум қилинди.

Умуман олганда, олим таклиф этаётган сув ва аммиак "ютадиган" машинанинг ишлаш тизими мураккаб, лекин амалиётта татбиқ этиш камҳаржлиги билан аҳамиятли. Бугун энг яхши кўёш батареяларининг фойдали иш коэффициентини (ФИК) 20 фоиздан ошмайди, айни пайтда сувни иситиладиган коллекторларнинг бундай кўрсаткичи 80—90 фоизни ташкил этади. Шу боис мутахассис ўртача оилаларда мазкур усул ёрдамида хонадон учун зарур энергияни ҳосил қилиш истиқболлироқ, деган фикрда. Паоло Коррада томонидан илгари сурилатган гоёга кўра, саноатда алоҳида хоналарнинг ортқича исиб кетишининг олдини олиш учун кенг қўлланиладиган икки қисмли совитиш ва абсорбция машинаси тизимидан фойдаланилади.

Лойиҳанинг энг устун жиҳати шунда: тизим аммиак ёрдамида совитиш ва сув иситиш вазифасини бажарадиган абсорбция машинасини ўзида мужассам этган. Қувватни таъминлаш учун эса олдий фотозелектр кўёш батареяларининг ўзи kifоя. Тизим деярли шовқинсиз ишлаб, тахминан 25 йил беминнат хизматда бўлиши таъкидланмоқда.

МАРСДАГИ "ТАДҚИҚОТЧИ" ШАРҚҚА ҚАРАБ ЙЎЛ ОЛДИ

Қизил сайёрада изланиш олиб бораётган автоматик қурилма — "Кьюрити" ("Curiosity") пастлаган жойидан тахминан 400 метр узоқликдаги ҳудуд, яъни ўзининг дастлабки белгиланган нуқтасига қараб йўл олди. "ФизОрг" манбасида ёзилишича, Марсда ўтказган 22-кун "Кьюрити" ровери аввалги иккита "юриш"дан ҳам кўпроқ, яъни тахминан 16 метр масофа ҳаракатланган.



Аввалги икки ҳаракатида аппаратнинг юриш тизими ва сунъий йўлдош оқимлари ёрдамида чангдан тозаланган жинс намунасини ўрганиш имкони туғилган.


Ҳозир қурилма уч турдаги юза туташган Гленелг ҳудудига қараб йўл олди. Ёрдаги назорат пункти мутахассислари мақсадли равишда айнан шу ерни дастлабки бурғулаш ва жинсларни таҳлил этиш учун танлашган.

Марсда айни пайтда тадқиқот олиб бораётган мазкур қурилма қисқа масофаларга ҳаракатланадиган аппарат эмас. У белгиланган масофанинг дастлабки қисмини босиб ўтган, тўхтаб қолган. Келгусида манипулятор ва ундаги асбобларни текшириш учун яна кўпроқ муддатта тўхтатилади.

"Кьюрити" тўхтаган жойда "Маст" камераси энг сўнгги белгиланган пункт — Шарп тоғларининг пастки ёнбағирларини суратга олиши кўзда тутилган. Сўнгра бу тасвирлар худди шу ернинг Брэдбери қўниш майдончасидан олинган суратлар билан бирлаштирилиб, ҳудуднинг стерео тасвирлари ҳосил қилинади. Бу навбатдаги ҳаракатланиш йўналишини белгилаш мақсадида амалга оширилади.

ИШДАГИ СТРЕСС ҚАНД КАСАЛЛИГИГА САБАБ

Иш жойида вазиятни бошқара олмайдиган аёлларда кузатиладиган стресс қанд касаллигининг ривожланиш ҳавфини икки баробарга оширади. Эпидемиология, эркакларга бундай вазиятлар у даражада салбий таъсир кўрсатмас экан. Мавзуга оид мақола "Профессионал тиббиёт" ("Journal of Occupational Medicine") нашрида chop этилди.



Торонтодаги (Канада) Клиник баҳолаш илмлари институти олимлари 9 йил давомида 7 443 нафар онтариолик кишиларни кузатиб, қанд касаллиги аниқланганларни қайд этишган ва хасталикнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишган. Касаллик аниқланган 650 нафар иштирокчининг 19 фоизи ишда ўзини ўзи бошқара олмас экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, одатда бундай шароитлар тўғридан-тўғри стрессга олиб келади. Стресс пайтида эса қанд касаллигини ривожлантирадиган гормонлар ишлаб чиқарилади. Айни пайтда, стрессга тўғри оқатланмаслик ва камҳаракатлик ҳам сабаб бўлиб, қанд касаллиги каби эндокрин алмашинуви хасталигига мубтало қилади.

ЗАЙТУН СУЯКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Каталониянинг (Испания) Херона шаҳридаги Хоса Труета шифохонаси илмий ходимлари ўтказган тадқиқотда зайтун мойи суюқ хасталикларидан бири — остеопорознинг олдини олишда энг муҳим восталардан бири экани аниқланди. Бу ҳақида "КОРДИС" ("CORDIS") манбасида хабар тарқатилади.

Остеопороз касаллиги суюқларнинг мўртлашиши, зичлиги кескин равишда пасайиши билан изоҳланиб, дунёдаги 50 ёшдан ошган ҳар учинчи аёл ва ҳар бешинчи эркак ундан азият чекар экан. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, касалликни даволаш учун Европа мамлакатларида сарфланадиган маблағ йилига 32 миллиард евро ташкил этади. Ушбу хасталик қитъада энг кенг тарқалган, кўпхаж ва ҳолсизлантувчи касалликлардан бири ҳисобланади.

Испаниялик олимларнинг тадқиқотида 55—80 ёшдаги 100дан зиёд кўнгилдилар қатнашиб, икки йил давомида назоратда бўлишган. Иштирокчилар аввал юрак-қон томирлари муаммоларига учрашмаган, лекин уларда қанд касаллиги ва юрак-қон томир хасталикларига сабаб бўлувчи камиде орти омил кузатилган. Қариялар уч гуруҳга ажратилган ва ёнғоқ аралашган, зайтун мойи бўлган, камёғли маҳсулотлар билан парҳез тутишган.

Яқунда маълум бўлишича, фақат таркибида зайтун мойи бўлган оғақ билан парҳез тутганларнинг қонидаги кальций миқдориди ўзгаришлар кузатилмаган. Бошқа гуруҳдагиларда эса қондаги кальций миқдори камайгани қайд этилган.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

ЖУМЛАДА ЈАҲОН

yangiliklar O'zbekiston

АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳри атрофидаги 1600 гектар майдонда кузатилаётган ёнғинлар дам олиш қунарини ўрмон ҳудудларида ўтказаетган юзлаб сайёҳларнинг эвакуация қилинишига олиб келди, офатни эса 700 нафардан ортқ ўт ўчирувчилар баргараф этмоқда.

Коста-Рика шимоли-ғарбида содир бўлган, магнитудаси 7,6 балли зилзила ўчоғи Либерия шаҳридан 80 километр узоқликда ва 20 километр чуқурликда бўлиб, табиий офат туфайли Кариб денгизи ҳавзасида цунами хавфи борлиги маълум қилинди.

Франциянинг Альп тоғларидаги Анси кўли атрофидан топилган британиялик оила аъзолари (эр, хотин ва қайнона) жасади, 7 ёшли яраланган қизалоқ ва 4 ёшли синглисининг шахси аниқланмоқда.

Италиянинг Лампедуза ороли яқинида сувга ғарқ бўлган тунислик қочоқлар кемаси бортидаги 100 нафарга яқин йўловчи кутқариб қолинган, бошқалар эса соҳил хизмати ходимлари томонидан сув ва ҳаво транспортлари ёрдамида қидирилмоқда.

Қучли инқирозни бошидан кечираётган Греция ҳукумати бироз аввал эълон қилинган ва 2013 йилгача мамлакат бюджетига 50 миллиард евро маблағ олиб келиши кутилаётган кенг қамровли хусусийлаштириш дастури рўйхатидаги 19та давлат корхонаси, жумладан, 7та компания ва 12та денгиз портини сотувга қўйди.

Францияда ишсизлик кўрсаткичи 2012 йилнинг иккинчи чорагида аср бошидан бери энг максимал даражага етиб, бутун мамлакат бўйлаб 9,7 фоизни ташкил этди, дея хабар беради "Франс-Пресс" ахборот агентлиги.

ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК!

Миробод тумани Толариқ маҳалласи Қўйлиқ даҳасидаги 43-уйда ёнғин содир бўлди. Хонадон соҳибининг газ печини ёниқ қолдириши оқибатида олов атрофга тарқалган. Ут ўчирувчилар тезкорлик билан етиб келишига, ҳатто одамлар ҳаётдан қўз юмиши мумкин экан.

Ҳодиса сабаблари ўрганилганда, газ печининг носозлиги маълум бўлди. Соҳа ходимлари бу борада аҳоли ўртасида мунтазам тушувчилар ишлари олиб боришига қарамай, ёнғин хавфсизлиги қондаларига бепсанд муносабатда бўлаётган фуқаролар учраб турибди. Шу боис туман ИИБ ЁХБ

томонидан мавзе ва маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб, тарғиб-бот-ташвиқот ишлари кучайтириляпти. Қонун ва қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган рейд-текширувлар ўтказилмоқда.

Азиз юртдошлар, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш билан сиз ўз уйингизни офатдан сақлаган ва пойтахтимиз чиройига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз!

А.ТўРАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ
катта инспектори, сержант

Академик Иззат Султон XX асрда ўзбек адабиёти эришган юксак натижалар ҳақида фикр юртар экан, бу юзйилликда адабиётшунослигимизда янги соҳа — навойишунослик соҳаси қарор топганини алоҳида таъкидлаганди. Алишер Навоий асарлари, унинг улуг номи халқимиз қалбидан тобора чуқурроқ ўрин олиб бормоқда. Навойишунослик Фитрат, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон, Порсо Шамсиев, С. Айний, В. Абдуллоев, Б. Валихўжаев, С. Ганиева, Ё. Исҳоқов каби атоқли навойишунослар савий-ҳаракати билан ривожланиб, тараққий этди.

Бу соҳанинг жонқуярларидан бири фидойи олим, Беруний мукофоти лауреати, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Абдуқодир Ҳайитметов эди. У навойишуносликка етук илмий-тадқиқотлари, салмоқли илмий монографиялари билан катта ҳисса қўшди. Олимнинг Навоий асарларини ҳозирги адабий тилмизга табдил этишдаги хизматлари ҳам сезиларлидир. Адиб кейинги йиллари болаликдаги хотираларини воқеий ҳикоялар шаклида матбуотда эълон қилган эди.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметовни мен камтар, мулоим табиатли, дилкаш инсон сифатида доим эслаб юраман. Домла адабиётга доир ҳар бир масалада босиқлик билан мулоҳаза юритар, суҳбатдошининг фикрларини бўлмасдан диққат билан тингларди...

Абдуқодир домла жуда сичков адабиётшунос олим эди. Унинг «Ma'rifat»нинг бугунги сониде босилаётган мароқли фикралари ҳам устоз олим истеъдодининг ана шу фазилатини ёрқин намоён этиб турибди.

Маҳмуд САЪДИЙ

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

ФИҚРАЛАР

БИБИ САЛИМА КИМ?

Адабиётимиз тарихида энг сояда қолган кишилар оналардир. Ўтмишда яшаб, ижод қилган адиб ва шоирлардан жуда кўпчилигининг оналари тўғрисида биз ҳеч нарса билмаймиз. Ҳатто уларнинг исмлари ҳам бизга ноаён. Кунларнинг бирида Алишер Навоийга бағишлаб ўтказилаётган илмий йиғилишда тингловчилардан бири бизга: «Шундай улуг зотнинг онаси ким бўлган? У волидаи муҳтараманинг исми-шарифлари нима?» — деб савол берди. Ҳеч қайсимиздан садо чиқмади. Чунки бу ҳақда бирон маълумотга эга эмасмиз. Шу нуқтаи назардан менга куйидаги маълумот жуда маъқул бўлиб тушди:

1961 йил. Ёз кунлари. Мен Ленинградда — Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида адабиётимиз тарихига оид кўлэмаларни varaқлаб ўтирган эдим: 25-рақамли кўлэманинг 57—257-варақларида Бобораҳим Машраб ҳақидаги қиссага дуч келдим. Бу кўлэманинг 71-варағида эса: «...ва оналарининг оти Биби Салима эрди», — деган сўзлар бор эди.

Бу маълумот ҳамма учун ёқимли бўлса керак. Кўлэма эса ҳижрий 1273(мелодий 1856-1857) йили кўчирилган экан.

«ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ»НИНГ МАТНИ

Яқинда Адиб Аҳмад трибли, у улуг зот билан учрашгандек бўлдим. Менга шоирнинг ягона асари — «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг янги нашрини сова қилишди. Китоб билан танишганимда шу нарса маълум бўлдики, Адиб Аҳмад Югнакий достонининг бизгача етиб келган барча кўлэма нусхалари чала экан. Чала бўлмаса, бу нусхаларда Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да келтирган куйидаги байтлар бўлмасмиди:

**Улуғлар не берса, емасан, дема,
Илик сун, оғиз ур, емасанг ема.
Сўнгахка илиқдур, эранга билик,
Биликсиз эран ул — иликсиз сўнгах.**

Навоийнинг «Муншаот»да Адиб Аҳмаддан келтирган куйидаги рубоийси-чи:

**Атодин хато келса, кўрма хато,
Савоб ул хато, токи қилса ато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сани юз балодини қутқаргай худо.**

Демак, Навоий «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг мукамал нусхасидан фойдаланган. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, қабилида котиблар эса шоирнинг асарини баъзан қисқартириб кўчирганлар.

Дарвоқе, Адиб Аҳмад туғма кўр бўлса ҳам, Навоий таърифлаганидек, жуда зийрак, зеҳни ўткир, ҳалол одам бўлган. У умрида кўй буйрагини кўз билан кўрмаган, лекин ўтиришларда ловия донасини қўйнинг буйрағига ўхшатар экан. Ёки нўҳат донасини бармоғи билан силаб: «Худди итолғунинг бошига ўхшайди!» деб кўяркан...

КОПЕРНИКДАН 200 ЙИЛ ОЛДИН...

Кунлардан бир кун дўстимиз шоир Насрулло Даврон Кўқондан XIV асрда яшаб, ижод этган Сайфи Саройининг «Меҳр ва Суҳайл» достонининг кўлэмасини топиб келди. Унда шундай бир аjoyиб байтга дуч келдик. Шоир ўз қахрамонларининг ҳижрондан сўнг учрашуварларни тасвирлаб, Меҳрнинг Суҳайл атрофида парвона бўлишини Ернинг Кўёш атрофида мунтазам айланишига ўхшатибди:

**Суҳайлни кўрдию айланди бирдек,
Кўёш гирдинда юрган мисли Ердек.**

Шоир фандаги катта бир ҳақиқатни гелиоцентризм назариясининг асосчиси улуг Коперникдан қарийб 200 йил олдин бир байт шеърда айтиб қўйибди.

Бу, албатта, Сайфи Саройининг фикри бўлиши шарт эмас. Бу, аввало, ўша даврдаги астрономия фанининг хулосаси бўлиши мумкин. Шундай эса-да, бу фанний гапларнинг шеърятда учраши адабиётимиз салмоғини янада оширади.

«АЖОЙИБ БИР ШАҲАР...»

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида «бир турфа» шаҳар — «ажойиб бир шаҳар» деган ибора бор. Шоир тасвирича, бу шаҳарда ҳамма нарса мавжуд: масжид ҳам, бозор ҳам, маҳаллалар ҳам, кўча ва боғлар ҳам, майхона ҳам; унинг сувлар бехишт сувиға ўхшармиш; унда бир қаср ҳам бўлиб, қасрнинг ичида баланд бир гўмбаз бор экан; қасрнинг аjoyиб эшиги бўлиб, ҳар очилиб-ёпилганда ундан дурру гавҳарлар сочилар эмиш...

Бу шаҳардаги ҳукмдору амалдорларни, олим фузалони, хизматкорларни айтмайсизми!.. Буларнинг ҳаммаси рамзий бўлиб, бу аjoyиб шаҳар мисолида Навоий инсон вужудини, унинг ниҳоятда мураккаблигини, ундаги ҳамма аъзолар ўз вазифасига эга эканини, бир-бирига боғлиқлигини, юксак онг билан ҳаракат қилишини мажозий образлар воситасида тасвирлайди. Бунда тасвирланган қаср инсон боши; қасрнинг беш саҳни — кўз, қулоқ, оғиз, буши, димоғ. Бу беш саҳнда бешта ишбилармон доим хизматда бўлиб: кўрилган, эшитилган, сезилган, таъмили, таъмсиз, иссиқ-совуқ — ҳаммасидан подшоҳ — ақлни хабардор қилиб турармиш.

Қаср эшиги — оғиз, унинг икки табақаси — лаб, у очилиб ёпилганда сочиладиган дурлар — сўз... Тасвир мажозий бўлса ҳам, мароқли!

Iqtibas

«ҚОҒОЗ ЖУВОЗИ»

Илм-фан, адабиёт ва санъат тараққийоти Навоий даврида қоғознинг кўп миқдорда бўлишини тақозо этарди. Подшоҳ ва Навоий ҳузурдаги ўнлаб хатотлар юзлаб китобларни кўчираб эдилар. Улар тайёрлаган кўлэмалар эса фақат Хуросон ва Мовароуннахрга эмас, бутун Шарқ мамлакатларига тарқатилар эди. Жомий ва Навоий девонларининг нусхаларини ўша вақтда Туркия, Эрон подшоҳлари ҳам сўратиб, махсус хат ва одам юборганлари маълум.

Бу даврга келиб, қоғоз ишлаб чиқариш Самарқанд, Ҳирот каби шаҳарларда анча йўлга қўйилган эди. Ҳиротда Алишер Навоийнинг ўзи бу ишга алоҳида аҳамият бериб, махсус қоғоз ишлаш устахонаси — «қоғоз жувози»ни ташкил этган. Ўша даврдан бизгача етиб келган кўпгина ноёб кўлэмаларнинг қоғозлари шу «жувоз» маҳсули экани шубҳасиздир. 1506—1507 йиллари Ҳиротда бўлган ва Навоий номи билан боғлиқ тарихий жойларни ўз кўзи билан кўрган Бобур «Алишербекнинг боғчаси ва жувози қоғоз»ини ҳам бориб кўрганини айтади.

БИРИНЧИ НАШР

Кўпчилик Шарқ муаллифлари асарлари каби, Алишер Навоий асарлари ҳам XIX асрга қадар кўлэма ҳолида тарқалган. Шоирнинг 1841 йили Парижда нашр этилган «Тарихи мулуки Ажам» ва «Муҳокамат ул-луғатайн» асарлари биринчи босма нашр, деб ҳисобланади. Лекин кейинги текширишлар шуни кўрсатдики, Навоийнинг 1785 йили Вена босмахонасида чоп этилган «Тарихи мулуки Ажам» асари энг қадимги нашр экан. Ўттиз саккиз бетдан иборат бу китобни Фаноий деган шахс турк тилига таржима қилган, унда асарнинг асосий хусусиятлари сақланган. Таржимон бу ишни улуг шоирнинг туркиялик ихлосмандлари илтимоси билан адо этган. Мазкур асарнинг XVIII асрдаёқ Европада нашр этилиши Европа маданияти ҳаётида ҳам ижобий воқеадир. Китобнинг бир нусхаси Москвадаги Давлат кутубхонасида сақланмоқда.

АБУЛҒОЗИ — ФОЛЬКЛОРШУНОС

Хива хонларидан Абулғози Баҳодирхон(XVII аср) ўз даврининг фозил кишиси эди. Унинг тарих фани соҳасидаги билимларини кўрсатувчи «Шажараи тарокима» ҳамда «Шажараи турк» асарлари гоят қимматли факт ва материалларга бой. Ўз асарларида тарихни ҳоким синф нуқтаи назаридан ёритган бўлса-да, унинг туркий халқлар тарихига, Хоразм тарихига оид маълумотлари муҳим аҳамиятга моликдир. Бу икки асар ўзбек тили ва адабиёти масалаларини ўрганиш, тадқиқ этишда ҳам бой манба ҳисобланади. Халқ оғзаки ижоди билан яхши таниш бўлган муаллиф мазкур асарларида бир қанча афсона ва ривоятларни келтиради.

«Шажараи тарокима»ни ўқирканман, бундаги Солур Қазон исми алпни мадҳ этган Кўркут ота термалари диққатимни тортиди. Гап шундаки, ўтмишда туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи фольклорини махсус ёзиб олишга жуда кам эътибор берилган. Фақат Маҳмуд Кошғарийгина бу иш билан изчил шуғулланган. Абулғози Баҳодирхон ҳам куйидаги каби тўртликларни халқдан қандай эшитган бўлса, худди шундай қоғозга кўчирган. Жумладан, «Шажараи тарокима»да ўқиймиз:

«Кўркут отанинг Солур Қазон Олпни махтаб айтгон тортими бу турур:

**Қозғурт тоғдан ўнғир тошни юғорлотди.
Солур Қазон йўр бориб қароб тутди.
Ит бажана кўриб, они, эси кетди.
Оллар, беклар, кўран борму Қазон киби?**

**Бир қазонга қирқ бир отнинг этин солди,
Ул қазонни сўл илики бирлан олди.
Соғ илики бирлан элга улоштурди.
Оллар, беклар, кўран борму Қазон киби?**

**Кўк осмондин иниб келди тинли йилон.
Ҳар одамни ютор эрди кўрган зилон.
Солур Қазон бошин кесди бермай омон,
Оллар, беклар, кўран борму Қазон киби?..»**

Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!


Спорт одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлаб, руҳини тетиклаштириш билан бирга ҳаётдан кўнгли совиган инсонларга ҳам умид бағишлайди. Айнан спортнинг қувончу ташвишлари уларни яшашга, курашишга ундайди. Ана шундай спортчиларимиздан бири футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси сафида бир қанча ютуқларга эришган Қудрат Худойкуловдир.

ришга вақт йўқ эди. Бор вужудим билан футбол сирларини ўзлаштиришга киришиб кетдим. Ўзимга бўлган ишончим ортди. Бугун мен кечаги умидсиз томошабин эмас, балки жаҳон чемпиони деган шарафга сазовор футболчига ай-

ГАЛАБА ҚАДРИ

У 11 ёшдан бошлаб «Ўзбекистон» клубидаги ҳозирги «Байналмилал» гуруҳига қабул қилинди. Футболга бўлган қизиқишини кўрган мураббий Вячеслав Алпатов Қудрат билан алоҳида шуғулланди. У кичик-кичик мусобақаларда ўзини яхши томонлама кўрсатгач, 2005 йили Ўзбекистон терма жамоаси асосий таркибида ўйнай бошлади. Унинг орзулари, умидлари жамоадолларининг ўй-хаёллари билан уйғун эди. 17 ёшида Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қилиб, терма жамоа муваффақиятига ҳисса қўшди. Ўзбекистон жаҳон чемпиони бўлди! Унинг кўзларида қувонч ёшлари порлади. Жаҳон чемпионатидек юксак мусобақадан ёруғ юз билан юртимизга қайтиб келди. Халқаро майдонда чинакам матонат кўрсатган жамоа аъзолари қатори у ҳам мамлакатимиз Президентни фармонига мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Футбол ҳаётим мазмунига айланиб улгурди. Мазкур жаҳон чемпионати мени қайтадан дунёга келтирди гўё: ҳатто ўзимни тўрт мучаси соғ кишилардек кучли ва бақувват ҳис қила бошладим. Шу онларда кечаги кунларим кўз олдимдан видео тасмасидек ўта бошлади. Телевизорда бериладиган мурасасиз футбол матчларини кўпинча йиғлаб томоша қилардим. Умидсизлик юрак-бағримни эзиб



ташларди. Баъзан ўзимча тўп тепиб юрганимни кўрган қўшимиз менга ўхшаш ёшларга ҳам зарур имкониятлар яратилгани, исталган спорт тури билан шуғулланишим мумкинлигини, хусусан, айнан футбол бол жамоаси тайёрлов курслари йўлга қўйилганини айтиб қоларди. Шундан сўнг ота-онам мени ўша ерга олиб боришди. Секин-секин ҳаётим ўзгара бошлади. Энди ўзим билан ўзим қолиб, эзилиб ўти-

ландим, — дейди Қудрат Худойкулов.

Оламшумул галаба Қудрат Худойкулов тўп сураётган терма жамоага қўшимча куч ва жўшқин илҳом бағишлади. 2010 йили Аргентинада қаторасига иккинчи марта жаҳон чемпионлигини кўлга киритиб, ҳаракат ва ишонч ҳаётдан завқ олиб яшаш имконини берувчи галаба асоси эканини исботлади. Уларнинг навбатдаги юксак жасорати эвазига қўлга киритилган ютуғи халқимизни беҳад қувонтирди. Фолиб ампутантлар ҳукуматиқисми томонидан муносиб тақдирланди. Терма жамоа аъзоларининг ҳар бирига «Matiz» автомобили совға қилинди.

Шу билан бирга Қ.Худойкулов 2010 йили Тошкент давлат педагогика университетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Айни вақтда Қудратжон навбатдаги жаҳон чемпионати терма жамоа вакиллари билан бирга тайёргарлик кўрмоқда.

Асолат ТУРСУНОВА



ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА



Бугун дунё шахмат ихлосмандларининг нигоҳи Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтаётган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига қаратилган.

Унда юртимиз шарафини Р.Қосимжонов, А.Филиппов, М.Жумаев, А.Квон, Ж.Ҳамроқуловлардан иборат эркаклар ва Н.Мўминова, И.Геворгян, Ҳ.Тоҳиржонова,

Н.Нодиржонова ва С.Қурбонбоевадан иборат аёллар терма жамоаси ҳимоя қилмоқда.

Бугунга келиб турнирнинг 9 тури орда қолди. 8-турдан сўнг 5-ўринини банд этиб турган аёллар жамоамиз, афсуски, 9-турда Қозоғистон термасига имкониятни бой бериб 11-поғонага тушиб кетди. Навбатдаги турда улар Италия термаси билан куч синашади. 7-турдан сўнг 9-ўринга қўтарилиб олган эркаклар терма жамоамиз 8-турда Арманистон термаси билан бўлган учрашувдаги мағлубият ва 9-турда Словения жамоасига қарши кечган ўйиндаги дурангдан сўнг жадвалнинг 21-поғонасидан жой олди. Кеча бўлиб ўтган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг 10-турини эркаклар терма жамоамиз Болгария термасига қарши ўтказди.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Янгибозор туманидаги 9-вилоят футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатига энг азиз, энг улуғ байрам муносабати билан туман ҳокимлиги томонидан «Дамас» автомашинаси туҳфа этилди.

Ушбу совгадан ўқувчилар шодлиги олқишларга уланди. Чунки мазкур даргоқ спортчиларининг ютуқлари каттадан-катта туҳфаларга лойиқ.

Бу ерда камол топаётган ёшларнинг ютуқлари тобора кўпайиб бораётгани сир эмас. Улар футбол, белбоғли кураш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги нufузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Замира Аҳмедова белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони. Қолаверса, мактабнинг икки нафар ўқувчиси Осиё, 38 нафари эса республика чемпиони бўлишган.

Жамшид Искандаров, Жалол Машарипов каби истеъдодли ёшлар футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси асосий таркибида тўп суришапти. «Тўмарис» қизлар футбол жамоаси эса республика олий лига ўйинлари-

да муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Йил якунларига кўра мазкур ўқув маскани республикада футбол бўйича қаторасига учинчи йил «Энг яхши футбол мактаб-интернати» сифатида эътироф этилди.

— Бизнинг шiorимиз — «Биринчиликни қўлдан бермаслик!», — дейди жамоа раҳбари Ҳамро Бектемиров. — Бунинг учун барча шароитлар бор: иккита ўйингоҳ, қишда ҳам минифутбол билан шуғулланадиган катта зал, спорт анжомлари, маънавият хонаси, кутубхона, озода ва шинам ётоқхона. Хорижлик мураббийлар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Япониядан, Германиядан соҳа мутахассислари шартнома бўйича келиб ёшларимизга сабоқ беришмоқда.

Мазкур спорт қошонасида янгибозорлик ёшлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд вилоятидан келган иқтидор эгалари ҳам спорт сир-асрорларини кунт билан ўрганишмоқда. Умид қиламизки, улар эртага нufузли мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадилар.

Sportimiz malikalari



Билаги куч-қувватга тўла, жисмонан бақувват, нигоҳларидан шижоат уфуриб турган Гулёрхон Урганч давлат университетининг 2-босқич талабаси. У кураш ва дзюдо бўйича спорт устаси. 10 карра вилоят мусобақалари голиби, бир неча марта Ўзбекистон чемпиони-

«ПАҲЛАВОН»ДАН БОШЛАНГАН ПАРВОЗ

ти, кўплаб халқаро турнирлар совриндори, Осиё ва жаҳон чемпионатлари иштирокчиси бўлган.

Спортга кичкиналигидан меҳр қўйган бу қиз ўқувчилик пайтида ҳам жисмоний тарбия дарсларида фаол иштирок этарди. Гулёр опаси Гулзодага эргшиб Чаккашолкор қишлоғидаги «Паҳлавон» спорт мажмуасига бора-бора қалбида спортга меҳр уйғонди.

— Опам Гулзода кўп марта вилоят чемпионатларида қатнашиб голиб бўлди ва спорт усталигига номзод талабини бажарди, — дейди Гулёр Отажонова. — Спортчи бўлиб шаклланишда опамнинг ҳиссаси катта. Чунки болалигимда унга ҳавас қилиб, спорт оламига қадам ташладим. Қолаверса, устозим А.Иброҳимованинг бешиқ улан меҳнатини эътироф этишим зарур. Айнан мураббийим мендаги иқтидорни биринчи бўлиб пайқаган ва ўз устимда ишлашга энг кўп кўмак берган инсондир.

Таъкидлаш жоизки, спортда кўрсатган юксак натижалари Гулёр Отажоновага олий ўқув юртига имтиёзли равишда кириш ҳуқуқини берди. Бугун у олий ўқув юрти талабаси.

Кураш ва дзюдо бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси Гулёр Отажоновани олдинда кўплаб нufузли мусобақалар кутаёттир. У ҳамиша галабалар билан ёнма-ён юришни хуш кўради ва голибликка интилиб яшайди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Kitob — qalb gavhari, ko'ngil ziynati

Янги АСР авлоди

Navqiron avlod va
ma'naviyat xizmatida


«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» ТАҚДИМ ЭТАДИ.

Янги мавсумда нашриётимиз томонидан чоп этилган, китобхонлар севиб ўқийдиган бир-бирдан мароқли китобларни мутолаа қилишингиз мумкин. Бу борада, айниқса, «Камолот» кутубхонаси» рукнида ранг-баранг китоблар чоп этилмоқда.

Мазкур рукн орқали сиз ўзбек ва хориж адабиёти дурдоналари ҳисобланмиш 100та китоб билан танишасиз. Уларни мутолаа қилиш орқали тафаккур дунёингизни бойитасиз. Энг муҳими, ушбу китоблар фарзандларингиз диди ва дунёқарашини ўстиришга ҳам ёрдам беради.

«Камолот» кутубхонаси» рукнидаги китоблар жавонингиздан муносиб жой оладиган жавоҳирлардир.

Мактаблар ва бошқа барча турдаги ўқув муассасалари, кутубхоналар мута-саддилари ва ота-оналарни ўзаро ҳам-корликка таклиф этамиз. Зотан, мазкур китоблар ёшларнинг билимли, доно ва зукко бўлишлари йўлида қимматли манба бўлиб хизмат қилади.



Мурожаат учун манзил: 100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Телефон: (+99871)273-56-45, 128-78-43

web-сайтими: www.yangiasr.uz интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail: info@yangiasr.uz

Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150, Г-918.
Tiraj 33473.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat raxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriq
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

ЎЗА яхуни — 04.40
Topshirildi — 05.00